

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

“Ҳимояга қўйилади”

Кафедра мудири, и.ф.д., профессор

Уразов К.Б. _____

“ _____ ” _____ 2019 й.

Пулатов Худойберди Ўктамович

УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИ

(Самарқанд вилоятидаги улгуржи савдо корхоналари мисолида)

5A230902 – “Аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Уразов К.Б.

САМАРҚАНД – 2019

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
1-боб	УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1.	Улгуржи савдо фаолиятининг моҳияти, аҳамияти ва аудит объекти сифатидаги тавсифи.....	10
1.2.	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг аудит субъектлари сифатида таснифи..	24
1.3	Улгуржи савдо фаолияти аудитининг, турлари, уларнинг мақсади ва вазифалари.....	37
2-боб	УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ.....	47
2.1.	Улгуржи савдо фаолияти аудитининг ташкилий таъминоти.....	47
2.2.	Улгуржи савдо фаолияти аудитининг ахборот манбалари ва уларни қўллаш тартиблари.....	61
3-боб	УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	71
3.1.	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда товар операциялари аудитининг методологик тартиблари.....	71
3.2.	Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарида товарлар кими ва чиқими аудити амалиёти.....	77
3.3	Улгуржи савдо фаолиятига доир солиқ тўловларининг аудити.....	82
	ХУЛОСА.....	92
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94
	ИЛОВАЛАР.....	100

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти негизда, маълумки, товар-пул муносабатлари ётади. Ушбу муносабатларнинг пировард натижаси бўлиб аҳолини кенг истеъмол товарларига, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларни меҳнат предметлари ҳамда воситаларига бўлган талабларини тўлиқ қондириш, шу асосда яхлит иқтисодиётни жадал ривожлантириш, одамлар турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришиш ҳар қандай кишилиқ жамиятида савдо соҳасини, унга кирувчи барча бўғинларни, чунончи товарларни катта партияларда сотишга ихтисослашган улгуржи савдо субъектлари фаолиятини жадал ривожлантиришни устувор вазифалардан бири этиб қўяди.

Республикамизда охириги уч йилда савдо соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган кўплаб меъёрий ҳукукий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, қабул қилинган «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹, давлат дастурлари², Президентимиз фармон ва қарорлари³ бунга яққол мисол бўла олади.

Савдо фаолияти бошқа фаолият турларидан кўплаб ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Бундай фарқли жиҳатлар товарларни харид

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармони билан тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январда ПФ-5308-сон фармони билан тасдиқланган; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли фармони билан тасдиқланган;” Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли фармон; «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 24 мартдаги ПҚ-3624-сонли қарори; Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли фармони.

килиш, сақлаш, сотувга тайёрлаш, сотиш, харидорлар билан ҳисоблашишлар, шунингдек олинадиган даромад, сарф харажатлар, солиқ тўловлари ва бошқаларда яққол сезилади. Айнан ушбу ва бошқа хусусиятлар савдо фаолияти ҳисоби, таҳлили ва аудитининг назарий, ташкилий ва услубий масалаларини республикада амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, ривожланишни жадаллаштириш бўйича қўйилаётган вазифалардан келиб чиқиб чуқур тадқиқ этишни тақоза этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Магистрлик диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос келади. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларнинг истиқболли режаси доираси бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Саҳисоби, таҳлили, аудити, солиққа тортиш масалалари республикада қатор олимлар, томонидан тадқиқ этилган. Булар жумласига Б.А.Абдукаримов, Р.А.Абдуллаев, проф. Уразов К.Б., проф. Мирзаев К.Ж, проф. Пардаев М.Қ, Қудратов Ғ.Ҳ., Исроилов Ё.Ж, Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б., Пашаходжаева Д.Д. Мардонов М.Ш. ва бошқалар қаламига мансуб ишлар⁴ киради.

⁴ Абдуллаев Р.А. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. –Ташкент, 2011; Мирзаев К.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. // Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384 б.; Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.// -Т.: Фан, 2005. -288 б.; Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Фан ва технология, 2007, 39-бет.; Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.–336 б.; 101. Urazov K. B. Buxgalteriya hisobi va audit: Oliy o'quv yurtlari uchun.– Т.: O'qituvchi, 2004. –448 б.; Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: «Адиб», 2011. – 480 б; Уразов К.Б. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари. //«Сервис» журна. 2009. №1. -Б.107-114.; Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б., Исроилов Ё.Ж., Пашаходжаева Д.Д. Мардонов М.Ш. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – Б. 75-99;

Шунингдек, савдода аудитни такомиллаштиришда хорижлик олимлар Э.А. Аренс, Дж. К. Лоббек, Робертсон Додж Р. Камышанов П.И. ва республикамиз олимлари Р.Д.Дўсмуродов, Х.Н. Мусаев, Н.С. Санаев, С.Н. Ташназаров, М.М.Тўлаходжаева, К.Б. Уразов ва бошқа олимлар⁵ қаламига мансуб монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар муҳим ўрин тутди.

Бироқ, ушбу олимлар томонидан чоп этилган ишларда улгуржи савдо фаолияти аудити хусусиятлари махсус ёритилмаган. Шунингдек, улгуржи савдони олиб боровчи субъектларда ҳисоб ва ҳисобот масалалари ҳам адабиётларда, шунингдек амалда бўлган миллий стандартларда атрофлича очиқ берилмаган. Булар, маълум даражада, улгуржи савдо фаолиятини юритувчи корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторлар олдида турли муаммоларни туғдирмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси улгуржи савдо фаолияти аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, шунингдек ушбу магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Магистрлик диссертацияси ишининг мақсади ва вазифалари.
Магистрлик диссертацияси ишининг асосий мақсади бўлиб улгуржи савдо фаолияти аудитининг назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини

⁵Дўсмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. : Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003; Пардаев М.Қ.Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2005.;Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлар. Монография. - Т.: Иқтисод-молия, 2009. - 168 б.; Тошназаров С.Н. Халқаро ҳисоб асослари. Маъруза матнлари тўплами. Самарқанд-2008; Тўлаходжаева М.М.Аудит, Т.: БАМА, 2014; Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003; Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т. : Ўқитувчи, 2004; Уразов К.Б., Воҳидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: Адиб, 2011; Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Самарқанд, 2017; Ғуломов Ф.Г. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Т.: “НОРМА”, 2009. 376-бет; Шоалимов А.Х., Ходжаева М.Х., Илҳомов Ш.И. Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил ва аудит. – Т.: ТДИУ, 2009; Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарқ» нашриёти, Тошкент,2001; Тўлахожаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити, Тошкент,1996; Ризоқулов А, Рахмонов И. Аудитни ташкил қилиш ва ўтказиш, Тошкент, 1994; Алиқулов С. Аудит. Маърузалар матни. СамДУ, 1999; Справочник аудитора, Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, Тошкент, 1996; Э.А. Аренс, Дж. К. Лоббек Аудит. Москва, «Финансы и статистика», 1995; Робертсон Дж. Аудит. Москва, КРМ Аудиторская фирма «Контакт», 1993; Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Москва, «Финансы и статистика», ИО ЮНИТИ, 1992; Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4

тадқиқ этиш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал қилишга доир илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Савдо фаолияти, чунончи улгуржи савдо фаолиятининг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек уларнинг аудит объектлари сифатидаги хусусиятларини асослаш;

- Улгуржи савдо фаолиятини олиб боровчи корхоналарнинг аудит субъектлари сифатидаги таснифий асосларини ишлаб чиқиш;

- Республикамизни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, улгуржи савдо фаолиятини олиб боровчи корхоналарда аудитнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

- Улгуржи савдо фаолияти аудитини режалаштириш ва ўтказиш босқичларига доир ишлар, аудиторлик амаллари, усуллари ва муолажаларни мазмун ва моҳиятини очиқ бериш;

- Улгуржи савдо фаолияти аудитининг ахборот манбалари ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишларини асослаш;

- Товар операциялари кирими, сотилиши ва чиқимини ҳужжатлаштириш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш ҳолатини текшириш тартиблари ва усуллари кўрсатиб бериш;

- Улгуржи савдо фаолиятдан олинган даромадлар даромадлар, харажатлар, уларга солиқ тўловлари аудити услубиятини такомиллаштириш йўллари асослаш.

Изланишлар объекти ва предмети. Изланишлар объекти бўлиб “Komil-Ishonch” ва «Osiyo-audit» аудиторлик ташкилотлари, ушбу ташкилотлар томонидан аудиторлик текширувлари ўтказилган “SIFAT

SHAROB SAVDO” МЧЖ, "SAMARQAND DORI-DARMON" АЖ, “ДАКА” қўшма корхонаси ҳисобланади. Изланишлар предметини савдо фаолияти ҳамда уни аудитининг назарий, ташкилий ва услубий масалалари ташкил қилади.

Ишнинг методологик асослари. Диссертация ишининг методологик асосларини республикамиз қонунлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари, асарлари ва маърузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид миллий ва халқаро стандартлар, Низомлар, йўриқномалар, хорижда ва республикамизда чоп қилинган илмий ишлар, дарсликлар ва қўлланмалар, илмий мақолалар, интернет тармоғи материаллари ҳамда изланишлар олиб борилган корхоналарнинг амалий материаллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Магистирлик ишини бажаришда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, танлаб текшириш, ёппасига текшириш, экспертиза, ҳисоб ва ҳисоботда ҳамда назоратда қўлланиладиган инвентаризация, ҳужжатлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Ишнинг илмий ва амалий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илмий ва ўқув адабиётлар таҳлили асосида “савдо фаолияти”, “улгуржи савдо фаолияти” атамаларига муаллифлик таърифи берилди;
- улгуржи савдо фаолиятига доир аудит объектлари таркиби белгиланди ва улар хусусиятлари очиқ берилди;
- улгуржи савдо фаолиятини юритувчи субъектларда аудитнинг турлари, мақсади ва вазифалари белгиланди;
- улгуржи савдо фаолияти аудитини режалаштириш ва ўтказиш босқичлари кўрсатиб берилди, режаси ва дастури ишлаб чиқилди;
- улгуржи савдо фаолияти аудитининг асосий ахборот манбалари белгиланди, уларни такомиллаштириш йўналишлари асосланди;

■ корхоналарда товарлар операцияларини хужжатлаштириш, улар ҳисобини юритиш ва савдо фаолиятига доир солиқ тўловлари аудитининг муаллифлик услубияти тавсия этилди.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар улгуржи савдо фаолияти аудитининг назарий, методологик ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга имкон беради. Ишлаб чиқилган тавсияларни жорий этилиши улгуржи савдо фаолияти олиб боровчи корхоналарда ҳисоб ва ҳисоботни, ички назоратни янада яхшилашга, аудиторлик ташкилотларида аудиторлик текширувлари сифати ва самарадорлигини яхшилашга имконият яратади. Магистрлик диссертацияси материалларидан олий таълим муассасалари ўқув режаларида кўзда тутилган “Амалий аудит», “Бухгалтерия молиявий ҳисоби”, “Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари” ҳамда “Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари” фанларини ўргатишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларни жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган илмий хулоса ва тавсиялар “Komil-Ishonch” аудиторлик ташкилотлари, шунингдек “SIFAT SHAROB SAVDO” МЧЖ ва “SAMARQAND DORI-DARMON” АЖ томонидан фойдаланиш учун қабул қилинган, улар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

Ишнинг синовдан ўтиши ва натижаларнинг эълон қилинганлиги эълон . Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича СамИСИда 2018 ва 2019 йилларда ўтказилган ҳақаро ва республика илмий – амалий анжуманларда маърузалар қилинди. Диссертация мавзуси бўйича жами ҳажми 0,6 босма табоқдан иборат (ҳаммуалифликда) 2 та илмий мақола чоп этилди.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларни олади. Унинг жами ҳажми 99 бет (иловалардан ташқари).

1-боб. УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Улгуржи савдо фаолиятининг моҳияти, аҳамияти ва аудит объекти сифатидаги тавсифи

“Савдо” ва “савдо фаолияти” турли иқтисодий фанларда унинг предмети сифатида ўргатилади. Ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, таснифий ва тавсифий жиҳатлари, уларни амалга ошириш шартлари, тартиб-қоидалари, стратегияси ва тактикаси турли луғотларда, шунингдек “Ички савдо иқтисодиёти”, “Ташқи савдо иқтисодиёти”, “Маркетинг” ва бошқа савдога оид махсус фанларда атрофлича очиб берилган. Савдо фаолияти “Аудит” фанига ҳам дахлдордир. Чунки, макон ва замонда олиб бориладиган ушбу фаолият аудитнинг ўта муҳим объектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур фаолият билан шуғулланувчи корхоналар эса аудитнинг муҳим субъектлари сирасига киради. Шу боис, авваламбор, номлари зикр этилган тушунчаларнинг аудит фани ҳамда амалиёти учун муҳим ҳисобланган мазмун-моҳиятига, уларнинг таснифий жиҳатларига, республикамызда савдо фаолиятини ривожланиш ҳолати ҳамда тенденцияларига қисқча тўхталамиз.

Хўш, “савдо” ва “савдо фаолияти” ўзи нима? Тадқиқотларимизни айнан ушбу саволларга жавоб топишдан бошлаймиз. Бунинг учун турли адабиётларда ва интернет тармоғида келтирилган айрим таъриф ва тавсифларни қуйида келтирамиз.

Савдо – бу, биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқалари ва товар айрибошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади, иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимои натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир»⁶.

⁶ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Фан ва технология, 2007, 39-бет.

«Фаолият сифатида савдо юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. Улар товарларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида иштирокчи бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғловчи ҳисобланади. Шу сабабли савдосиз яратилган маҳсулотлар ўз истеъмолчиларига етиб бормайди ва уларнинг такрор ишлаб чиқаришини амалга ошириб бўлмайди»⁷.

Савдо – бу товарларни олди-сотдисини амалга оширишга, шунингдек у билан боғлиқ жараёнлар, яъни бевосита харидорларга хизмат кўрсатиш, товарларни етказиб келиш, сақлаш ва сотишга тайёрлашга қаратилган хўжалик тармоғи ва иқтисодий фаолият тури⁸.

Тор маънода, **савдо** деганда деб олди – сотди (алмашув)нинг муҳим шартлари тўғрисида бир тўхтамга келиш тушунилади. Савдода алмашув, одатда, пул ёрдамида амалга оширилади, бироқ пулсиз савдо ҳам бўлади, яъни товарни товарга алмашиш (бартер) ҳам бор⁹.

Савдо – бу давлат ёки регион бюджетга тушадиган солиқ тушумларининг муҳим манбаи.

Савдо – бу воситачилик хизматида қиравчи фаолият тури.

Савдо – товарларни ишлаб чиқарувчилардан харидорларга ҳаракатида иштирок этувчи ёрдамчи бўғин.

Савдо – бу мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш заруратидан келиб чиқиб, меҳнатнинг ижтимоий тақсимооти ва савдо капиталини саноат капиталининг бўлаги сифатида ажраб чиқиши муносабати билан вужудга келган иқтисодиётнинг махсус тармоғи .

Савдо — бу одамларнинг олди-сотди актларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган махсус фаолияти.

⁷ Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Маърузалар матни. 1-қисм. – Самарқанд, СамИСИ, 2005, 5-бет.

⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Торговля>

⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Торговля>

Савдо фаолияти – бу товарларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолияти туридир¹⁰.

Савдо воситачилик фаолияти - бу юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар ва истемолчилар ўртасида воситачилик шаклидаги фаолиятидир.¹¹

Савдо фаолияти – бу юридик шахслар ва фуқароларнинг фойда олиш мақсадида товарларни сотиб олиш ва сотишни амалга ошириш бўйича ташаббусли мустақил фаолияти. У ташқи иқтисодий ва ички иқтисодий савдо фаолиятига бўлинади¹²

Савдо – халқ хўжалигининг катта тармоғидир, унга қарийб мамлакатнинг барча аҳолиси сотувчи ёки харидор сифатида жалб этилган. **Савдо фаолияти** деганда товарлар айланиши, сотиб олиниши ва сотилиши бўйича хўжалик фаолияти тушунилади¹³.

Шундлай қилиб, юқоридаги талқинлардан кўриниб турибдики, савдо фаолияти негизида «савдо» категорияси ётади. Унинг негизида, авваламбор, фойда олиш мақсади ётади. Ушбу мақсадга эришиш учун савдо фаолияти билан шуғулланчи (савдогар) товарларни ишлаб чиқарувчилардан паст нархда олиши, олинган товарларни харидорларга уларни ҳам, ўзини ҳам қониқтирадиган устама (фойда) билан сотиши лозим бўлади. Ушбу мақсадга ҳолда савдо (савдо фаолияти) тадбиркорлик фаолияти бўла олади. Айнан шундай талабларга жавоб бера оладиган савдо фаолияти макон ва замонда олиб бориладиган аудитнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Фикримизча, аудит объекти бўлган савдо фаолиятига қуйидагича таърифни бериш тўғрироқ бўлади: **савдо фаолияти** – бу макон ва замонда

¹⁰ <http://www.grandars.ru/college/biznes/torgovlya.html>

¹¹ https://modern_law.academic.ru/Торговая деятельность

¹² <http://ozpp.ru/thesaurus/210/173/>

¹³ Бухгалтерский учет в оптовой и розничной торговле. // Соснаускене О.И и др. - М.: Литрес, 2009.

фойда олиш мақсадида товарларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдонинг ижтимоий шакллари ва ташкилий – иқтисодий таснифи тубдан ўзгарди. Собиқ иттифоқ даврида республикада давлат савдоси, кооператив савдо ва колхоз бозори мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда мулк муносабатлари ўзгариши, децентрализация жараёни амалга ошганлиги муносабати билан унинг янги шакллари вужудга келди. Улар ҳам адабиётларда атрофлича ёритилган. Чунончи, профессор К.Б. Уразов савдо фаолиятини турли белгилари бўйича қуйидагича таснифлаган (1-расмга қаранг).

Амал қилиш ҳудудига кўра савдо фаолияти ички ва ташқи савдога бўлинади.


Ички савдо –бу бир мамлакат ҳудудид чегарасида амалга ошириладиган савдо фаолияти.

Ташқи савдо – бу мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни бошқа мамлакатларга сотиш фаолияти. Ташқи савдо фаолияти, бошқачасига, *экспорт* деб ҳам аталади

Товарларни савдо-сотиғини амалга ошириш ва ундада қўлланиладиган ҳисоб –китоб шаклига кўра савдо улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдо турларига бўлинади.

Улгуржи савдо – бу савдо соҳасида товарларнинг йирик туркумларини ўзаро ҳисоб –китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича, уни тижорат тадбиркорлик фаолияти мақсадида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишни мўлжаллаётган хўжалик юритувчи субъектларга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш. Улгуржи савдо ҳам ички, ҳам ташқи савдо фаолияти бўлишлиги мумкин.

Майда улгуржи савдо – савдо соҳасида товарларни кичик туркумлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ва нақд пул шакллари бўйича сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш.



1-расм. Савдо фаолиятининг таснифланиши

Майда улгуржи савдо фақат ички савдо фаолияти ҳисобланади. Ушбу савдо фаолияти чакана савдо корхоналари, улгуржи савдо корхоналари ва

юримик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан турғун савдо шохобчалари ҳамда истеъмол буюм бозорларида ажратилган жойлар орқали амалга оширилади.

Чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш. Ушбу савдо фақат ички савдо фаолияти ҳисобланади.

Юритувчи шахсларнинг статусига кўра савдо фаолияти жисмоний шахслар ва юримик шахслар томонидан олиб бориладиган савдога бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда юримик шахс мақомисиз маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган хусусий тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган савдо тушунилади. Бундай хусусий тадбиркорлар савдо фаолиятини ўзларининг хусусий савдо дўконлари ёки буюм бозорларида ажратилган жойлар орқали амалга оширадилар.

Юримик шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда юримик шахс сифатида маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар томонидан амалга ошириладиган савдо тушунилади. Бундай корхоналар савдо фаолиятини ўзларининг савдо дўконлари, шохобчалари, базалари, омборлари ёки буюм бозорларида ажратилган савдо тармоғлари орқали амалга оширадилар. Юримик шахслар савдонинг барча турларини олиб борадилар.

Юритувчиларнинг мулк шаклига кўра давлат, нодавлат ва аралаш мулк корхоналари томонидан олиб бориладиган савдога бўлинади.

Давлат корхоналари томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда устав капитали давлат томонидан шакиллантирилган савдо корхоналари амалга оширилган савдо тушунилади. Бу савдо фаолияти билан шуғулланувчи давлат корхоналари бўлиб республикаميزда ихтисослашган

давлат унитар корхоналари, «Мудофаа савдо» ва бошқа тармоқларнинг мулки давлат тасарруфидаги корхоналари ҳисобланади.

Нодавлат корхоналари томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаган корхоналар томонидан амалга оширилган савдо тушунилади. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат чекланган жамиятлар ва бошқа мақомдаги хусусий корхоналар ҳисобланади.

Аралаш мулк корхоналари савдоси деганда аралаш мулкга эга бўлган корхоналар томонидан амалга оширилган савдо тушунилади. Мисол бўлиб акциядорлик жамиятлари (АЖ), қўшма корхоналар ва бошқа мақомдаги юридик шахслар ҳисобланади.

Товарларнинг гуруҳларига кўра савдо озиқ-овқат ва ноозиқ -овқат товарлари савдосига, гуруҳлар ичида эса алоҳида қуйи гуруҳ товарлари савдосига, масалан, нон ва нон маҳсулотлари савдоси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси, алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар савдоси, хўжалик моллари савдоси, қурилиш материаллари савдоси, автомобиллар савдоси, автомобиллар ёқилғиси савдоси, аралаш моллар савдоси, дори-дармонлар савдоси, тиббий техника ва оптика товарлари савдоси, тилло буюмлар савдоси ва шу каби бошқа турларга бўлинади.

Юқорида келтирилган олимларимизнинг фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, савдо ўзида айрибошлаш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни, савдо корхоналарининг фаолиятини, алоҳида тармоқнинг номини акс эттиради ва товарларни ўз истеъмолчиларига етказишдек ўта муҳим функцияни бажаради.

Савдонинг шаклланиши инсоният тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Савдо тарихдан ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар алоқаларини қондиришга, йўл алоқаларини такомиллаштириш ва пул – кредит муносабатларини ривожлантиришга ҳам ўз хиссасини қўшган. Савдо фаолияти азалдан-азал фойда олиш манбаи бўлган, ҳатто унга дунё

мамлакатлари ўртасида маданият ва маърифат тарқатувчи восита сифатида қаралган. Савдо фаолияти ҳар қандай иқтисодиётнинг махсус тармоғи бўлиш билан бирга юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. Улар товарларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида иштирокчи бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғловчи ҳисобланади. Шу сабабли савдосиз яратилган маҳсулотлар ўз истеъмолчиларига етиб бормайди ва уларнинг такрор ишлаб чиқаришини амалга ошириб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, барча дунё мамлакатларида савдо тармоғи уларда яратилаётган ялпи ички маҳсулотда ўзининг муносиб ўрнига эга. Мисол учун, АҚШ ЯИМ ни 79,4 %ни айнан хизмат кўрсатиш, сервис ва савдо соҳалари беради¹⁴, Россия ЯИМ нинг 12-14 % айнан улгуржи ва чакана савдог тўғри келади¹⁵. Франция ЯИМда савдо хизматлари улуши 53 %ни ташкил этади¹⁶.

Савдо соҳасини ривожлантириш борасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида сезиларли ютуқларга эришилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан савдонинг охириги ўн йилдаги ўсиш даражаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари, млрд. сўмда

Хизмат турлари	2007 й.	2009 й.	2013 й.	2016 й.	2017 й.	2007-2017 йилларда ўзгариш, % да
Жами – хизматлар*	14058,8	25472,7	65524,2	92536,0	118811,0	8,5 марта
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	841,6	1 694,6	3 567,6	6 306,8	8196,7	9,7 марта
Молиявий хизматлар	869,2	2 061,4	5 529,3	9 898,4	14970,2	17,2 марта
Транспорт хизматлари	4 799,8	8 136,0	18231,4	26103,7	36237,4	7,5 марта

¹⁴ https://ru.wikipedia.org/wiki/Экономика_США

¹⁵ <http://ac.gov.ru/files/publication/a/21974.pdf>

¹⁶ <http://www.rustrade.fr/ru/about-france/1250>

(логистика хизматларини қўшган ҳолда)						
Савдо ва овқатланиш хизматлари	2 441,9	4 442,0	14665,6	27368,2	31960,1	13,1 марта
Таълим хизматлари			1 802,4	3 263,0	4396,0	х
Соғлиқни сақлаш хизматлари			650,9	1 416,3	1663,3	х
Бошқа хизматлар	2 577,8	4 966,3	21077,0	18179,6	21387,3	8,3 марта

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ундан кўриниб турибдики, шу йиллар ичида энг катта суръатда ривожланиш молия, савдо, алоқа ва ахбортлаштириш, транспорт ва бошқа хизмат соҳаларида юз берган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси Самарқанд вилоятида ҳам борган сари равнақ топиб бормоқда (2-жадвал ва 1-диаграммага қаранг).


2-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича 2018 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Хизмат турлари		Нарх индек си	Жами хизмат				
			2017 й		2018 й		Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %
			Млн. сўм	Улуш, %	Млн. сўм	Улуш, %	
1	Алоқа ва ахборотлаштириш	109,2	7186919,9	100,0	8237642,9	100,0	104,9
2	Молия хизматлар	107,4	411260,7	5,7	532305,2	6,5	120,5
3	Транспорт хизмат	112,7	457485,0	6,4	657256,3	8,0	127,4
3.1	<i>Шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	103,1	2265592,7	31,5	2365311,9	28,7	101,3
4	Яшаш ва овқат-ланиш хизматлари	108,2	173018,5	2,4	194053,5	2,4	103,6
5	Савдо хизматлари	116,8	2128554,1	29,6	2492110,1	30,3	100,2
6	Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизмат	110,8	219415,9	3,1	245352,5	3,0	101,0
7	Таълим хизмати	108,9	266933,5	3,7	341807,7	4,1	117,5
8	Сағлиқни сақлаш хизматлари	101,6	103907,8	1,4	112643,1	1,4	106,7
9	Ижара ва прокат хизматлари	110,8	275184,7	3,8	305844,7	3,7	100,4
10	Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	103,8	248267,9	3,5	260882,2	3,2	101,2

11	Шахсий хизмат	107,8	315590,0	4,4	341981,4	4,2	100,5
12	Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	110,8	45206,9	0,6	52787,7	0,6	105,4
13	Бошқа турдаги хизматлар	108,4	172908,0	2,4	196390,1	2,4	104,8

Манба: Самарканд вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари асоси ҳисобланган



1-диаграмма. Сервис хизматларни 2017-2018 йилларда ўсиш суратлари

2017 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган хизматлар ҳажми республикамизда 118,8 трлн.сумни ташкил этди, бу 2016 йилга нисбатан

28,9% кўпдир. Соҳанинг мамлакатимизда яратилган ЯИМдаги улуши 47,3 % ни ташкил этди¹⁷.

Таъкидлаш жоизки, савдо фаолиятининг турлари, уларни амалга ошириш шартлари ва тартиби Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан катъий регламентлаштирилган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1.«Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125- сон қарори.

2.«Дори – дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 1- сон қарори.

3 «Ички бозорни дори –дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сон қарори.

4.«Дори –дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 29 сентябрда 974- сон рақам билан рўйхатга олинган.

5. «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтқазишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 407- сон қарори.

6. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтқазиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 407- сон қарори билан тасдиқланган.

¹⁷ <https://www.uzdaily.uz/ru/post/35732>

7. «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 – октябрдаги 433- сон қарори.

8.«Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарларининг алоҳида турлари (ун, ўсимлик ёғи ва шакар)га савдо ташкилотлари томонидан чекланган савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 13 ноябрда 1083- сон билан рўйхатдан ўтказилган.

9.«Лицензияларни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2002 йил 20 августдаги ги 295-сон қарори.

10.«Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилган, № 1169.

11. «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш Қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75- сон қарори билан тасдиқланган.

12.«Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75- сон қарори билан тасдиқланган.

Республикада савдо фаолиятини ривожлантиришнинг келажагини белгилаб беришда Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5303-сонли фармони 2018 йил 24 мартдаги «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3624-сонли қарори, 2018 йил 30 октябрдаги «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5564-сонли фармони муҳим ўрин касб этади. Чунончи, ПФ-5564-сонли фармонда савдо айланмасининг кенгайишига, ички бозорни ва ишлаб чиқарувчиларни зарур товарлар билан таъминлашга ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар келтириб ўтилган. Булар қуйидагилар:

улгуржи савдонинг ривожланиши, кейинчалик қайта ишлаш учун ярим тайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини, “бизнес учун — бизнес” (Б2Б) тамойили бўйича бошқа товарларни етказиб бериш тизими даражасининг пастлиги хўжалик юритувчи субъектлар транзаксия харажатларининг ошишига ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда;

тадбиркорларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини бозор нархларининг ноқулай ўзгариши оқибатларидан муҳофаза қилиш имконини берувчи фьючерслар, ҳосила молиявий воситалар ва биржа товарлари савдоси бошқа замонавий механизмларининг суст жорий этилиши натижасида операциялар ҳажми ва савдога чиқариладиган товарлар турлари чекланмоқда;

савдо субъектларининг устав капиталида давлат улушининг юқорилиги, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эскирган чекловларнинг сақланиб қолинаётганлиги мазкур соҳаларда рақобат муҳитининг изчил ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, шу жумладан, хорижий истеъмолчиларни мамлакатда ишлаб чиқарилаётган талаб юқори бўлган маҳсулотлар турлари ва ҳажмлари тўғрисида хабардор қилишга доир ишларнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги республика ичида, шунингдек,

хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш кооперациясининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу муоммоларни бартараф қилиш, савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайитириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

а) 2019-йил 1-январдан бошлаб қуйидагиларни:

улгуржи савдони амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш ва савдо корхоналарини солиққа тортишнинг махсус тартибини;

аксиз солиғи солинадиган товарларнинг айрим турларини (автомобил, ўсимлик ёғи ва бошқалар) сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобини юритиш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартибини;

кўчма савдо учун рухсатнома олиш талабини;

давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санксияларни;

давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар билан шартномалар бўйича ички бозорда олдиндан 15 фоиз тўловни амалга оширишга доир талабни;

айрим турдаги товарлар экспортига чекловларни;

келишишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этган ҳолда, маҳсулотларни биржа савдосига чиқариш жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишишнинг амалдаги тартибини;

молиявий истеъмол кредитини ишлаб чиқарувчидан ёки реализация қилувчи ташкилотдан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари (хизматлари)ни сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги талабларни бекор қилиш;

б) 2018-йил 1-ноябрдан бошлаб қуйидагилар:

товар-хомашё биржаларига биржада сотиладиган маҳсулотларни сақлаш ва логистика қилиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича шўба хўжалик бирлашмаларини тузиш;

импорт бўйича олиб келинган юқори ликвидли маҳсулот турларини, эгаларининг хоҳишига кўра, ички бозорда, шу жумладан, биржа савдоларида чекловларсиз сотиш;

биржа савдоларида харид қилинган юқори ликвидли маҳсулотлар, хомашё ва материаллар турларини сотувчи томонидан чиқариб юбориш тўлов муддатидан келиб чиққан ҳолда биржаларнинг электрон тизими орқали қатъий белгиланадиган муддатлар ва навбатлар бўйича амалга ошириш тартибини белгилаш;

в) 2018-йил 1-ноябрдан бошлаб нақд пул тушумини топшириш ва ундан фойдаланишнинг қуйидагиларни:

енг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушуми бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда кунлик топшириш имконияти;

ушбу кичик банднинг кўрсатилган миқдордан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврларда ёки мустақил равишда топшириши имконияти;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муқобил инкассация хизматларини ташкил этган ҳолда нақд пул тушумини фақат Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг инкассация хизмати орқали топширишни бекор қилиш каби вазифалар белгиланди.

1.2. Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг аудит субъектлари сифатида тавсифи

Савдо корхоналари бошқа корхоналар сингари аудитнинг муҳим субъектлари ҳисобланади. Савдо фаолиятини юритувчи субъектларни турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин (2-расмга қаранг).



2-расм. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг таснифи

Давлат статистика органлари томонидан бериладиган тармоқ (фаолият тури) кодига мувофиқ савдо фаолияти хўжалик юритувчи субъектларда асосий ёки асосий бўлмаган фаолият тури ҳисобланади.

Савдо фаолияти асосий фаолият ҳисобланган корхоналар «савдо корхоналари» деб аталади. Ўз навбатида савдо корхоналари савдо фаолиятининг турлари бўйича ихтисослашади ва уларга ташкил этилиш вақтида тасдиқланган уставига мувофиқ савдо фаолиятининг алоҳида турини ифодаловчи тармоқ коди берилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан савдо корхонаси, фақат битта асосий тармоқ (фаолият) кодига эга бўлади. Лекин бу асосий тармоқ (фаолият) бўйича берилган ягона код корхоналарга бошқа фаолият турлари билан шуғулланишларига тўсиқ ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида Қонун»га (19-модда) мувофиқ ҳар бир хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган хўжалик фаолиятининг барча турлари билан шуғулланиши мумкин. Лицензия олинishi талаб этиладиган фаолият билан улар фақат махсус рухсат гувоҳномасини олгандан сўнг шуғулланишлари лозим.

Савдо корхоналари фаолият доираси бўйича давлат статистика органлари берадиган тармоқ (фаолият) кодига кўра иккита гуруҳга, яъни ички савдо (71000) ва ташқи савдо (72000) корхоналарига бўлинади

Улгуржи ва чакана савдо корхоналарига, ўз навбатида, мулкий шакли, сотадиган товарларининг турлари бўйича махсус ички савдо тармоғи кодлари берилади. Чунончи улгуржи савдо асосий фаолият тури бўлган субъектларга қуйидаги фаолият кодлари берилган (1-иловага қаранг).

Ходимларининг сонига кўра савдо корхоналарини учта гуруҳга, яъни йирик корхоналар, кичик корхоналар ва микрофирмаларга ажратиш мумкин.

Ходимларининг сонига кўра савдо корхоналари микрофирмалар, кичик корхоналар ва йирик корхоналарга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичи»га кўра улгуржи савдода микрофирмалар бўлиб ходимларининг сони 5 тагача, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 6 тадан 25 тагача бўлган корхоналар ҳисобланади (3-жадвалга қаранг)

3-жадвал

Улгуржи савдода кичик бизнес субъектига кирувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ходимлар сонининг минимал миқдори

№	Хизмат кўрсатиш тури	Ходимларнинг ўртача йиллик сони	
		микро-фирмалар	Кичик корхоналар
3	Секция G. Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	1-5 1-20	6-25 21-100

Таъсисчиларининг таркибига кўра улгуржи савдо корхоналарини маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлиш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги хизмат ва сервис соҳаси корхоналари устав капиталининг миқдори энг камида 600 миллион сўм

миқдорида бўлиши, унинг камида 30 % хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топиши керак.

*Танлаган солиқ режими*га кўра улгуржи савдо корхоналари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 млрд сўмдан ошмайдиган савдо корхоналари ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишлари мумкин. Йиллик айланмаси (соф тушуми) 1 млрд сўмдан кўп бўлган савдо корхоналари 2019 йил 1 январдан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектларини аудиторлик текширувларидан ўтиши мажбурийлиги ёки ташаббуслигига кўра ҳам гуруҳларга ажратиш лозим. Республикамизнинг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун”ига¹⁸ асосан (10-модда) қуйидаги турдаги ва мақомдаги улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мажбурий аудиторлик текшируви субъектлари сирасига киради:

- акционерлик жамиятлари;
- устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Юқорида келтирилган таркибга кирмайдиган улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектлари ташаббусли тарзда аудиторлик хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Энди тадқиқот объектлари сифатида танлаб олинган “SIFAT SHAROB SAVDO” МЧЖ, "SAMARQAND DORI-DARMON" АЖ, МЧЖ шаклидаги

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 25 майда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган

“Komil-Ishonch” аудиторлик ташкилотининг умумий тавсифига қисқача тўхталамиз.

“SIFAT SHAROB SAVDO” МЧЖ (База) “Ўзмевасабзавот узумсаноат-холдинг” компанияси Кузатув Кенгашининг 1999 йил 31 мартдаги 03-сонли баённомасига асосан ташкил этилиб, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Хокимлигининг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2007 йил 29 мартда №3179-сон реестр билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

МЧЖ уставига манзили ўзгарганлиги сабабли Самарқанд шаҳар ҳокимлигида 2008 йил 25 июнда 4353-сон билан рўйхатдан чиқарилиб, Пайариқ туман ҳокимининг 2008 йил 7 июлдаги №58-сонли реестри билан ўзгартириш ва киритилган ва рўйхатга олинган.

МЧЖа уставига устав фонди билан боғлиқ ўзгартириш киритилганлиги сабаб Пайариқ туман ҳокимлигида 2011 йил 27 декабрда 200-К-сон билан қайта рўйхатга олинган. МЧЖ уставига манзили ўзгарганлиги сабабли Пайариқ туман ҳокимининг 2008 йил 7 июлдаги №58-сонли реестри билан ўзгартириш ва киритилган ва рўйхатга олинган.

Холдинг компанияси АЖ бошқаруви йиғилишининг 18.12.2015 й.даги №68/1 сонли баённомасига асосан МЧЖнинг янги тахрирдаги устави Холдинг компанияси раиси томонидан 18.01.2016 й.да тасдиқланган ва Пайариқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона Дарча” марказида 25.01.2016 й.да №07К-сон реестр билан рўйхатга олинган.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида 2008 йил 7 июлда 58-К-сон, 2016 йил 25 январдан 07-К реестр тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

МЧЖнинг таъсисчи – Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Абай кўчаси 6-уй манзилда жойлашган “Ўзвиносаноат-Холдинг” – Холдинг компанияси.

Таъсисчи томонидан аудит текшируви даврида бош китоб маълумоти бўйича 87 500,0 минг сўм устав фонди шакллантирилган.

Савдогар банкнинг 15.02.2010 й.даги 97-сонли маълумотида асосан 41 300 минг сўм устав фондини шакллантириш учун пул маблағ ва МЧЖнинг Компанияга ажратилган сақлаш ажратмасини 46 340 минг сўмни (Д-т 41.20 К-т83.10) йўналтирганлиги тўғрисида маълумотнома мавжуд.

МЧЖнинг устави бўйича фаолият турлари:

- Вино-Ароқ махсулотлари билан улгуржи савдо қилиш;
- Ўзининг фирма дўконлари орқали НКМ лардан фойдаланган ҳолда нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш ҳамда нақд пул тушумини белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан фаолият юритиш;

- Истемолчилардан вино-ароқ масулотлари учун мўлжалланган шиша идишларни йиғиш, қабул қилиш, ишлаб чиқарувчи заводларга етказиб бериш;

- Вино-Ароқ махсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар билан махсулот олишга, харидорларга сотишга шартномалар тузиш, уларни ижросини таъминлаш;

МЧЖ юкоридагилардан ташкари ўз уставида белгиланган қўшимча фаолиятларни белгиланган конунлар доирсида амалга оширишга ҳақли.

МЧЖга Самарқанд вилояти Пайариқ туман ҳокимининг 2008 йил 16 июлдаги, Алкогол махсулотлари улгуржи савдосини амалга оширишга рухсат берувчи АА № 45-сонли лицензияни чекланмаган муддатга берилган.

МЧЖнинг охирги 2015-2018 2012-2016 йиллардаги асосий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари 4-жадвалда ҳамда 1-диаграммада келтирилган.

**“SIFAT SHAROB SAVDO” МЧЖнинг 2015-2018-йилларда
асосий техник –иқтисодий кўрсаткичлари**

№	Курсатгичлари	Улчов бирлиги	2015	2016	2017	2018
1	Ялпи соф тушум	Минг сум	21006018	24124753	30960645	30959410
2	Сотиш таннархи	Минг сум	18473091	21630470	27308966	26672681
3	Ялпи фойда	Минг сум	2532927	2494283	3651679	4286729
4	Давр харажатлари	Минг сум	981110	887033	1599792	2621578
5	Бошка операцион даромадлар	Минг сум	1067	1	18968	507940
6	Асосий фаолиятдан фойда	Минг сум	1552884	1607251	2052027	1665151
7	Молиявий фаолият харажатлари	Минг сум	306663	304126	229607	321433
8	Умумхужалик фаолиятидан фойда	Минг сум	1246221	1303125	1841248	1394512
9	Солиқкача фойда	Минг сум	1246221	1303125	1841248	1394512
10	Фойдадан солиқлар	Минг сум	119094	1199252	1548204	1548080
11	Соф фойда	Минг сум	227127	103873	293045	-153568
12	Жами активлар	Минг сум	3387226	2899673	1180761	6382219
13	Айланма активлар	Минг сум	3315959	2519534	620850	5701084
14	Узок муддатли активлар	Минг сум	71267	380139	559911	681135
15	Мажбуриятлар	Минг сум	2812583	2403488	3182971	6702493
16	Хусусий капитал	Минг сум	574643	496185	759387	775531
17	Сотиш рентабеллиги	%	1,08	0,43	0,95	-
18	Ликвидлик даражаси	%	117,9	104,8	19,5	85,1
19	Мустақиллик даражаси	%	16,96	17,1	64,3	12,0
20	Ходимлар сони	киши	23	23	23	23
21	Меҳнат унумдорлиги	Минг сум	903305	1048902	1346115	1346061



1-диаграмма. “SIFAT SHAROB SAVDO ”МЧЖнинг 2015-2018-йиллардаги улгуржи ва чакана савдо айланмаси

4-жадвал ва 1-диаграммадан кўриниб турибдики, “SIFAT SHAROB SAVDO”МЧЖ катта миқдорда сотишдан тушумга эга бўлган корхона ҳисобланади. Охириги 4 йилда унинг сотишдан олган соф тушими 1,5 баробар ошган. Меҳнат унумдорлиги, яъни 1 та ходимга тўғри келувчи сотишдан тушум 903,3 млн.сўмдан 1346,1 млн.сумга етган. Бирок шунга қарамайдан, корхонанинг охириги йиллардаги молиявий натижалари ва молиявий ҳолати кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлган. Чунончи, рентабеллик даражаси 2015-2017 йилларда 1,08%дан 0,95 %гача тушган. 2018 йилда корхона ўз фаолиятдан қарийб 154 млн.сумлик зарар кўрган. Корхонанинг ликвидлик даражаси охириги 4 йилда ижобийдан (117,9%)дан салбий томонга (85,1 %)га пасайган, яъни у 2018 йил якунида қз мажбуриятлари бўйичатўлов

қобилиятига эга бўлмаган. Худди шундай охириги 4 йилда корхонада унинг молиявий мустақиллик даражасини пасайиши юз берган (17 %дан 12 %гача тушган). Бу дегани, 2018 йил охирига келиб корхонанинг молиявий қарамлиги 88 %ни ташкил этган.

“SIFAT SHAROB SAVDO” МЧЖ нинг 2018 йилга тузилган молиявий ҳисоботлари МЧЖ шаклидаги OSIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан текширилган, ҳисоботга ижобий хулоса берилган. Аудиторлик ташкилоти томонидан МЧЖнинг молиявий ҳолати қуйидагича баҳоланган:

Кўрсаткичлар	Йил охирига	Норма	Изоҳ
Тўлов қобилияти коэффиценти	1,01	$K < 1,25$	Тўловга лаёқатсиз
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	0,01	$K < 0,2$	Ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган
Активлар рентабеллиги коэффиценти	0,25	$K > 0,05$	Активлар рентабелли
Харажатлар рентабеллиги коэффиценти	0,05	$K < 0,05$	Харажатлар рентабелли эмас
Молиявий мутақиллик коэффиценти	0,12	$K < 1$	Молиявий мутақил эмас
Асосий воситалар эскириш даражаси	0,48	$K < 0,5$	Асосий воситаларининг эскирганлик даражаси юқори эмас

Аудитор хулосаси: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелдаги 1469-сонли “Базаларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” ги Низом асосида аниқланган кўрсаткичларга асосланган ҳолда Базани молиявий ҳолатини иқтисодий хатар (к группе «экономического риска») гуруҳга киритиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини янада мукаммалаштириш ва камчиликларни тўғрилаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан қуйидагилар тавсия қилинган:

1. База иқтисодий ҳолатини яхшилаш чора тадбирларини кучайтириш.
2. Базада 19-сон БХМС бўйича активлар инвентаризациясини тўлиқ ташкил қилиш.

3. Молиявий ҳисоботларни қайта топшириш.
4. Таъсисчига ДСИ га тақдим этилган ҳисототларни тақдим этиш.
5. Валюта ҳисобини юритиш.
6. Товарлар қолдиғини қайта баҳолаш проводкаларига тузатиш киритиш.

Изланишларимизнинг иккинчи объекти бўлган "SAMARQAND DORI-DARMON" АЖ вилоятимизда дори-дармонлар билан улгуржи ва чакана савдо қилувчи йирик корхона ҳисобланади.

SAMARQAND DORI DARMON» *Акциядорлик Жамияти* 1998 йил 18 мартдаги Самарканд мулк кумитаси Самарканд ҳудудий бошкармасининг 91 П сонли буйруғига асосан Самарканд Дори-Дармон Давлат Акциядорлик Бирлашмасига айлантирилган. 2017 йил 7 августда Самарканд шаҳар ҳокимияти ҳузиридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утказиш инспекциясидан № 11546 сон билан Самарканд Дори-Дармон очик акцидорлик жамиятидан “Самарканд Дори-Дармон” Акцидорлик жамияти айланган ва руйхатдан утган ва № 07350 сонли гувоҳнома берилган. Жамият охириги маротаба 2017 йил 15 сентябрда устав жамгармаси 3 604 080 000 минг сумдан 4 294 760 000 сумга купайиши мунособати билан Самарканд шаҳар ҳокимияти ҳузиридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат инспекциясидан № 3 ракам билан қайта руйхатидан утган. Хар бир дона акция 1 250 сумдан 3 363 808 дона акциядан иборот. У қуйидагича таъсисчилар уртасида тақсимланган:

- Узбекистон Республикаси резиденти булган юридик ва жисмоний шахслар улуши 68,59 % ёки 2 884 070 000 сумлик 2 307 256 дона оддий акциялар,

- Америка Кушма Штатларининг “Bellied” LLC Компанияси улуши 31,41 % ёки 1 320 690 000 сумлик 1 056 552

Жамият Устав фонди тўлиқ шакллантирилган.

Фаолият коди - 71212.

СТИР – 200 610 747 тел.(8 366) 225-17-80

Манзили: Самарканд вилояти Пасдаргом тумани Димишкиболо КФЙ
Кимёгарлар МФЙ Дустлик м.Ертешар куч.1уй.

Хизмат кўрсатувчи банк: АТБ Алокабанк” Самарканд ҳудудий
филиали, код 00985.

Асосий жорий ҳисоб рақами: 20 20 8 000 600 307 673 001;

Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоб рақамига
эга эмас.

Банкдаги ҳисоб рақам ҳаракати банк айланмаси электрон кўринишда
олиб борилган.

Жамиятнинг асосий фаолият турлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

-такибида гиёҳванлик, захарли, этил спирти, дори-дармон, сахсий
гигиеник воситалар ва тиббий ашёлар билан чакана;

-келтирилган дори-дармонларни, тиббий мақсадга мулжалланган
махсулот ва товарларни миллий ва чет эл валютасида харидларни нахт пулга
ва пул утказиш йули билан сотишни ташкил қилиш;

-Самарканд вилояти дорихоналарини замонавий савдо –технологик
ускуналар , дори-дармонларни саклаш ва сотиш илгор технологиялари, дори-
дармонлар билан таъминлаш:

-Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ман
этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

Жамиятга Ўзбекистон Республикаси Сogликни Саклаш Вазирлиги
томонидан тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи ва чакана
савдоси, дори воситалари ва тиббий буюмларни назорат қилиш,
дорихоналарда дори воситаларини тайёрлашни амалга ошириш учун
08.09.2014 йилда УП 5030 сонли Лицензия берилган. Лицензиянинг амал
қилиш муддати 13.05.2015 йилгача булган. 28.04.2015 йилда амал қилиш
муддатини 28.04.2020 йилгача узайтирилган. Бундан ташқари юқоридаги

фаолия тури билан чакана савдони амалга ошириш учун УПП 6327 сонли лицензия берилган.

SAMARQAND DORI DARMON» акцидорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби амалдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун” ва қонуности ҳужжатлар, чунончи 21-сон ва бошқа БҲМСлар асосида олиб борилган. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) қўлланилмаган. Молиявий ҳисобот шакллари охириги 3 йилда МХХС мувофиқ тасдиқланган шакллارга трансформацияланган ва улар халқаро аудит стандартлари асосида текширилган ва аудиторлик хулосалари олинган.

«SAMARQAND DORI DARMON» акцидорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби 1 С бухгалтерия дастурининг 8,3 версиясида юритилган. Аналитик счетларда қилинган ёзувларга гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар илова қилинган ва тикилган. АЖнинг молиявий ҳисоботи ўз ичига №1- шакл “Бухгалтерия баланси”, №2 “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, 4-шакл “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” ва 5-шакл “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот”ларни ўз ичига олган. Ушбу ҳисобот шакллари ўз вақтида тузилган, ДСИ топширилган.

Маъмурият ва моддий жавобгар шахслар ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Корхонада барча моддий жавобгар шахслар томонидан ойма-ой ҳисоботлар тузилган ва раҳбарлар томонидан тасдикланиб, ҳисобхонага топширилган.

Ҳисобот йилида 1119 ишончнома берилган, шулардан 1109 таси ёпилган, 10 таси бекор қилинган.

Корхонада ички аудит хизмати йулга қуйилган, 2 та ички аудиторлар фаолият юритиб келмоқда.

«SAMARQAND DORI DARMON» АЖнинг 2017-2018 йиллардаги молиявий ҳисоботи унинг веб-сайтида эълон қилинган, улар ишимизнинг 2,3,4,5-иловаларида келтирилган. Мазкур ҳисобот шаклларида кўриниб

турибдики, АЖда охирги икки йилда дори дармонларни сотишдан тушум 48 млрд сумдан 30 млрд сумгача пасайган, соф фойда 222 млн. сумдан 89 млн. сумга тушиб қолган. яъни а

Жамиятнинг 2019 йил 1 январ ҳолатига жамият ва текшириш маълумотлари бўйича баланс валютаси **32 746 058,0** минг сўмни ташкил килди. Шундан:

А К Т И В

1.Узоқ муддатли активлар - 9 770 115 минг сўм, ёки 30%

2.Жорий активлар - 22 975 943 минг сўм, ёки 70 %

П А С С И В

1.Хусусий капитал 6 024 400 минг сўм, ёки 18 %

2.Жалб килинган активлар 26 721 6580 минг сўм, ёки 82 %

2019 йил 1 январ ҳолатига тўлов қобилияти коэффиценти – 0,86 ёки 86 %. Жамият 2019 йил 1 январ ҳолатига мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятига эга эмас.

«SAMARQAND DORI DARMON» АЖнинг”Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилган. Аудиторлик ташкилоти томонидан АЖ ҳисоботига тузатишлар киритилган. АЖда ҳисоб ва ҳисоботни янада яхшилаш учунқуйидаги тавсиялар берилган:

1.2018 йил уУчун тузатилган молиявий ҳисоботларни, ЯСТ ҳисоб-китобини ДСИга қайта топшириш;

2.Ҳисоботлар ва ҳисоб маълумотлари (1 С:Бухгалтерия базаси) ўзаро мослигини таъминлаш;

3.Товар ва нотовар характеридаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларни балансда ўзаро қоплаб юбормасдан акс эттириш, барча дебиторлар ва кредиторлар билан солиштирма далолатномаларни тузиш;

4.Корхона операцион харажатларига тегишли айрим харажатларни бошқа операцион даромадларни камайитириш эвазига акс эттирмаслик;

5. Бухгалтерия ҳисобини юритишда 21-сон БҲМга тўлиқ амал қилиш;

6. АЖ ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш;
7. Бошланғич ҳужжатларни ҳисоб кесимида архивлаш;
8. 1 С бухгалтерия дастурини мукамаллаштириш.

Энди аудиторлик хизматларини кўрсатувчи “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти ҳақида ҳам қисқача тўхталамиз.

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ташкилот номи	МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти
Почта манзили	140100, Самарқанд ш, Кўк сарой майдони, 1-уй
Лицензия тури, № ва берилган санаси	Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш, АФ № 00121, 26.02. 2008, АФ № 00796, 09.04.2019
СТИР (ИНН)	202631355
ОКЭД (ОКОНХ)	74120 (84400)
Телефон/факс, e-mail	(91) 520-65-83, (93) 358-11-88, Urazov. k.b@rambler.ru
Суғурта полиси	№ А309271, «UZBEKINVEST» Суғурта компанияси, амал қилиш даври 26.02.2019 й- 25.02.2020
Ташкилот директори	Баймуродов Химмат Вайдуллаевич (серт. 05405)

“Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти 1998 йил да очилган. Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит хизматини ўтказиб келмоқда. Унда 8 та сертификатли аудиторлар фаолият юритади, уларнинг барчаси халқаро амалиётчи-бухгалтер (CAP) дипломига эга.

1.3. Улгуржи савдо фаолияти аудитининг турлари, уларнинг мақсади ва вазифалари

Улгуржи савдо фаолияти ҳам ички, ҳам ташқи, шунингдек ҳам мажбурий, ҳам ташаббусли, ҳам комплекс аудит, ҳам махсус савол тарзидаги аудитнинг объекти бўлиши мумкин.

Аудитнинг мақсад ва вазифалари айнан аудитнинг ушбу турлари моҳиятидан, уларга юклатиладиган миссиялардан келиб чиқади. Шу боис, даставвал аудит, унинг турларининг моҳиятига, фарқли жиҳатларига қисқача тўхталамиз.

Таъкидлаш жоизки, аудитнинг моҳияти, турлари, уларнинг таснифи ва тавсифи, фарқли жиҳатлари меъёрий ҳужжатларда ҳамда даврий адабиётларда атрофлича очиб берилган. Чунончи, республикамизнинг 2000 йил 26 майда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 2 моддасида аудиторлик фаолиятига қуйидагича таърифлар берилган;

“Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик хизматлари аудиторлик текширувларини ва ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматларни ўз ичига олади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади”¹⁹.

Аксарият олимлар²⁰ аудитни бизнеснинг холис экспертизаси, ҳисоб маълумотлари реаллиги кафолати, тадбиркорлар ва инвесторлар маслақдоши сифатида эътироф этганлар.

Профессор К.Б. Уразов²¹ аудит ва аудитор атамаларининг ўзбек тилига кириб келишини қуйидагича изоҳлаган.

¹⁹ 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонун билан янги таҳрида тасдиқланган

²⁰ Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4; Дустмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. : Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003; Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003; Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т. : Ўқитувчи, 2004; Э.А. Арнс, Дж. К. Лоббек Аудит. Москва, «Финансы и статистика», 1995; Робертсон Дж. Аудит. Москва, КРМ Аудиторская фирма «Контакт», 1993; Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Москва, «Финансы и статистика», ИО ЮНИТИ, 1992;

²¹ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т. : Ўқитувчи, 2004;

«Аудит» - бу лотинча «**auditing**» сўзидан олинган бўлиб, рус тилига ўтирилганда «*слушаю*», рус тилидан ўзбек тилига ўтирилганда эса «*эшитаман*» маъносини англатади. Рус ва ўзбек тиллари лексиконида ушбу сўзнинг ўзи мавжуд эмас, шунинг учун уни кўчирма сўз сифатида тўлиғича ўзгаришсиз ишлатиш мақсадга мувофиқ.

«Аудитор» – бу лотинча «**auditor**» сўзидан олинган бўлиб, рус тилига «*слушатель*», «*ученик*», «*следователь*» маъноларида таржима этилган. Бизнинг тилимизга аудитор сўзини рус тилидан таржима этсак, у мос равишда «*эшитувчи*», «*ўқувчи*», «*терговчи*» маъноларини англатади.

Манбалардаа аудитга қуйидагича берилган таърифларни учратиш мумкин.

«Аудит – бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва ҳолисона хулосалар беришдир»²²

«Аудит- бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилиши»²³.

«Аудит (auditing) –бу дахлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва ҳолисона хулоса бериши мақсадида хўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни»²⁴

²² Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

²³ Тўлахожаева М.М. Молиявий аҳволнинг аудити. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996, 94-бет.

²⁴ Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7

«Аудит –хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш ва назорат қилишнинг нисбатан янги йўналиши», «аудит – бу бизнесни ўзига хос экспертизаси»²⁵.

«Аудитнинг моҳияти – бозор иқтисодиёти шароитида унинг объектив иқтисодий тараққиёт қонунлари, категориялари, ҳалқаро ҳамжамиятда тан олинган ҳамда айрим олинган бир конкрет мамлакатда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари рақамлар ёрдамида ифодаланган, махсус тизим асосида ҳулоса ва таклифлар беришдан иборат»²⁶.

Манбаларда аудитни ички ва ташқи аудитга ҳам бўладилар. Ички аудит иқтисодиётнинг қуйи бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат воситаси сифатида қаралади. Ташқи аудит мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан шартномалар асосида давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи назаридан ўтказиладиган назорат тури ҳисобланади. Ташқи аудит давлат томонидан тартибга солинади. Жумладан, бизнинг республикамизда ташқи аудитни бошқариш, унга методологик раҳбарликни олиб бориш, аудитни ўтказиш тартиб-қоидаларини акс эттирувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалиётга ушбу ҳужжатларни жорий қилиш, уларга амал қилинаётганлигини назорат қилиш, ушбу тизим ходимларини ўқитиш ва сертификатлаш, малакасини ошириш, аттестация қилиш Молия Вазирлигига юклатилган²⁷.

Демак, аудиторлик фаолияти, бир томондан, мустақил аудиторлик ташкилотларининг тадбиркорлик асосида бошқа юридик шахсларга кўрсатаётган аудиторлик хизматларининг мажмуаси, иккинчи томондан эса, корхоналар ички аудит хизмати ходимларининг иш фаолияти ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик хизматлари шартномалар

²⁵ Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4

²⁶ Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик, «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик коопанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2001, 33-бет.

^{27 27} Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т. : Ўқитувчи, 2004;

асосида амалга оширилганлиги учун ҳам у тадбиркорлик фаолияти бўлиб ҳисобланади. Ички аудит хизмати томонидан олиб бориладиган аудит тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

Аудитнинг асосий компонентлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (3-расмга қаранг)



3-расм. Аудитнинг асосий компонентлари²⁸

Ички назорат – бу корхоналар молиявий – хўжалик фаолиятини раҳбарият томонидан тасдиқланган махсус Низом асосида доимий назорат қилиб боровчи бўлим ёки ходим (ходимлар) иш фаолияти. Бундай назоратни ички аудит бўлими ёки ички аудиторлар олиб борадилар.

Ташқи назорат – бу ҳолис мустақил аудиторлик ташкилотларининг шартнома асосида мижоз корхоналарда юз берган ҳодиса ва жараёнларни, уларнинг натижаларини қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мослигини текшириш бўйича олиб борган иш фаолияти.

²⁸ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т. : Ўқитувчи, 2004;

Иқтисодий таҳлил – бу ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари асосида корхоналарнинг молиявий – ҳўжалик фаолияти ва унинг натижаларини кўйилган мақсад ва талабларга кўра динамик ва статик жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ этиш бўйича олиб борилган иш фаолияти.

Экспертиза – бу бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва молиявий ҳисоботларни қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиш даражасига баҳо бериш бўйича олиб борилган иш фаолияти.

Инвентаризация – бу корхона активлари ва мажбуриятларининг ҳаққоний мавжуд ҳолатини аниқлаш, уларни ҳисоб маълумотларига мос келишлигини белгилаш бўйича амалга оширилган иш фаолияти.

Хулоса ва таклифлар - бу текширув натижалари бўйича текшириш олиб борилган субъектлар фаолиятни яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида фикр ва мулоҳазаларни ўзида мужассамлаштирган махсус расмий ҳужжатни тайёрлашга доир иш фаолияти.

Консалтинг – бу ҳўжалик юритувчи субъектларга уларни қизиқтирувчи турли билимлар ва амалий кўникмалар бўйича маслаҳатларни бериш борасида олиб борилган иш фаолияти. Аудиторлик ташкилотлари амалдаги қонунга (17-модда) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, молия, солиқ солиш, бизнес режа, менежмент ва бошқа соҳалар бўйича ҳўжалик юритувчи субъектларга тузилган шартномалар асосидаги консалтинг фаолиятини олиб боришлари мумкин.

Касбий хизматлар – бу аудиторлик ташкилотларининг шартномалар асосида ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳисобни юритиб бериш, униклаш, солиқ декларацияларини тузиб бериш, бизнес режани тузиш ва бошқа касб ишларини бажариб бериш борасидаги хизматлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек ташқи аудит мажбурий ва ташаббус тарзидаги, шунингдек комплекс ва махсус савол тарзидаги турларга бўлинади.

Республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни»га мувофиқ (9,10,11-моддалар) **мажбурий аудит- бу** корхоналар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган аудит.

Комплекс аудит - бу молиявий ҳисоботнинг барча турларини ва моддаларини қамраб оладиган аудит. Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир моддасини текширмасдан молиявий ҳисобот реаллигига аудиторлик баҳсини бериб бўлмайди.

Ташаббус тарзидаги аудит – бу республикаимиз «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни»га мувофиқ (9,10,11-моддалар) мажбурий аудитдан ўтиши шарт бўлмаган корхоналарнинг ташаббусига кўра ўтказилган аудитдир.

Махсус савол тарзидаги аудит – бу алоҳида олинган савол, молиявий ҳисоботнинг айрим элементлари, айрим хўжалик ситуациялари, ҳисоб-китоблар бўйича ўтказиладиган аудитдир. Ушбу аудитни бошқачасига тематик аудит ҳам деб атайдилар. Махсус савол тарзидаги аудит комплекс аудитдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

* Молия вазирининг 27.01.2003 й. 13-сон "Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти Миллий стандарти (АФМС 80-сон) "Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи"²⁹ асосида ўтказилади;

*фақат шартномада кўрсатилган масала (лар) бўйича ўтказилади;

*махсус бланкада хулоса берилмайди, бундлай хулоса тузилган ҳисоботнинг якуний қисмида келтирилади;

²⁹ Ўз.Р АВ томонидан 19.02.2003 й. 1220-сон билан рўйхатга олинган

*махсус савол бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботи муҳр билан тасдиқланади;

* аудиторлик ташкилоти тузилган шартнома шартлари бўйича махсус савол бўйича текширув натижалари, қилинган хулосалар, берилган таклиф ва тавиялар бўйича миждо олдидо жавобгар бўлади.

ни тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 19.02.2003 й. 1220-сон билан рўйхатга олинган)Таъкидлаш жоизки, аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича берган хулосалари реаллиги учун бир хилда жавобгар ҳисобланади.

- бу корхоналар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган аудит. Ушбу аудит мазмунан комплекс характерга эга бўлади, чунки у молиявий ҳисоботнинг барча турларини ва моддаларини қамраб олади. Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир моддасини текширмасдан молиявий ҳисобот реаллигига аудиторлик баҳсини бериб бўлмайди .

Аудитнинг юқорида таъриф ва тавсифлари келтирилган турлари улгуржи савдо фаолиятини олиб боровчи барча субъектларга ҳам тегишлидир. Улгуржи савдо фаолияти мажбурий ва ташаббусли, комплекс ёки махсус савол тарзидаги аудитнинг объекти бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари улгуржи саво фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар қуйидаги профессионал хизматларини ҳам кўрсатишлари мумкин:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;

молиявий ҳисоботни тузиш;

миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;

бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менеджмент ва молия-ҳўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш.³⁰

Аудитнинг бош мақсади, унинг қандай турда ўтказилишидан қатъий назар ҳўжалик юритувчи субъектларда қонун устуворлиги талабларига амал қилинаётганлик ҳамда ҳисоб ва ҳисоботнинг реаллигига ҳолис баҳо бериш бериш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, соҳа субъектлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Барча аудит турларининг вазифалари айнан шу мақсаддан келиб чиқиб белгиланиши керак.

Фикримизча, улгуржи савдо фаолияти хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида аудитнинг мақсади бўлиб корхонанинг молиявий ҳисоботи маълумотларини реллиги, корхонада олиб борилаётган операцияларни мамлакатимизда мавжуд қонун ва қонун ости ҳужжатларига мослигини, корхонанинг бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилаётганлигини текшириш, текширув натижалари бўйича бюртмачига тегишлича ҳулосалар бериш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ҳисобни яхшилаш бўйича тегишлича ҳулосалар беришдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб улгуржи савдо корхоналарида аудитнинг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

1. Корхонанинг ташкилий ҳуқуқий тузулишини аниқлаш ва амалга оширилаётган фаолият турининг ташкилий ҳуқуқий шаклга мослигини текшириш,

³⁰ 2000 йил 26 майда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 17 моддаси.

2. Корхонада ҳисоб сиёсатининг мавжудлигини ва ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибларни қонун ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мослигини текшириш,

3. Бир қанча бухгалтерия праводкаларининг мазмуни ва классификациясини аниқлаштириш учун бухгалтерия счетларининг жамланма ҳисоб айланмалари таҳлили;

4. Бухгалтерия баланси, айланма – қолдиқ ведомости ва дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб регистрлари маълумотлари мослиги таҳлили;

5. Бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва ҳисобнинг алоҳида маълумотлари ўзаро боғлиқлиги таҳлили;

6. Раҳбарият буйруқлари, шартнома ва хатлар таҳлили;

7. Ташкилот ходимлари билан хизмат вазифалари бўйича зиммаларига юклатилган ишлар мазмунининг тушуниш даражаларини баҳолаш учун ўтказилган сўровлар;

8. Молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб регистрлари маълумотлари орасидаги ўзаро боғланишлар ва мослик таҳлили;

9. Мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими баҳолаш.

Улгуржи савдо корхоналарида аудитнинг муҳим тамоиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- Мустақиллик,
- Холислик,
- Эркинлик,
- профессионал малакалилик,
- махфийлик.

2-бoб. УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

2.1. Улгуржи савдо фаолияти аудитининг ташкилий таъминоти

Барча фаолиятлар сингари аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун ўзининг ташкилий таъминотига эга бўлиши лозим. Аудитнинг ташкилий таъминоти деганд, одатда, уни ўтказишни режалаштиришдан тортиб, то уни якунлаш ҳамда натижаларини миждозга топширишгача булган ишлар маждмуаси тушунилади.

Аудитни режалаштиришга масалаларига «Режалаштириш» (300-399) деб номланган халқаро стандарт лар бағишланган ва улар учта стандартдан иборат:

*300-«Режалаштириш»

*310-«Бизнесни билиш»

*320-«Аудитда жиддийлик»

«Режалаштириш» (300) деб номланган аудитнинг халқаро стандарти(АХС) ўз навбатида таркибий тузилишига кўра қуйидагиларга бўлинади:

-Кириш;

-Ишни режалаштириш;

-Аудитнинг умумий режаси;

-Аудитнинг дастури;

-Аудитнинг умумий режаси ва дастуридаги ўзгартиришлар.

Ушбу АХСнинг мақсади молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш буйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Аудиторлик ишини мос равишда режалаштириш аудитнинг муҳим жабҳаларига тегишли эътибор қаратиш, эҳтимолий вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни белгилаш ва ишларни қисқа муддатларда бажаришни

таъминлашга ёрдам беради. Режалаштириш , шунингдек , ишни тегишли равишда аудитор ёрдамчилари ўртасида тақсимлашга ҳамда бошқа аудиторлар ва экспертлар томонидан бажарилаётган ишни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.Режалаштириш ҳажми субъект катталиги,аудитнинг мураккаблиги, аудиторнинг ушбу субъект билан иш тажрибаси ҳамда бизнесни билишликка боғлиқ.Аудитор аудитни тахмин қилинаётган кўлами ва ўтказиш тартибини баён этган ҳолда , аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириши лозим.Аудит дастурини тайёрлаш жараёнида аудитор ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчиликлари аниқ баҳоланганлиги ҳамда моҳияти бўйича муолажалар билан таъминланадиган керакли бўлган ишончилилик даражасини кўриб чиқиши лозим.Аудитнинг умумий режаси ва аудитнинг дастури аудит ўтказиш вақтида лозим бўлишига қараб қайтадан кўриб чиқиши мумкин.Аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнида халқаро аудит меъёрларининг 2-сонли "Аудиторни мижоз олдидаги мажбурият хати", 3- сонли "Аудитни тартибга солувчи асосий принциплар", 4-сонли "Режалаштириш " ва Ўзбекистон Республикасининг «Режалаштириш» номли 3-андозаларидан фойдаланиш тавсия этилади.Бу андозаларда илгари сурилган асосий мазмун аудиторлик текширувини сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун режалаштириш жараёнининг зарурлигини асослаб беришдир.Аудитор ўз ишини шундай режалаштириши керакки, бу нарса унга белгиланган вақт ичида товар операциялари , уларни бухгалтерия счётларида акс эттириш тўғрилиги ҳақида ҳолисона ҳулоса қабул қилиш имконини бериши лозим.Режа мижоз корхона фаолияти тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланиши лозим. Мижоз тўғрисида маълумотлар тўплаш , ўтказилиши кутилаётган аудиторлик текширувининг мақсадлари билан боғлиқ.

Аудитни режалаштиришда тузиладиган муҳим ҳужжатлар бўлиб аудиторлик режаси ва дастури ҳисобланади.Аудит режасида корхона

фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш, танлаш хажми ва муҳимлилик даражасини аниқлаш, аудит дастурини тайёрлаш , аудитни бевосита ўтказиш, бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралиқ ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш, текширув натижаларини корхонага тақдим этиш ва ҳоказоларни ўз ичига олган ҳолда аудит ўтказишнинг барча босқичлари акс эттирилган бўлади. 3-сон АФМС га мувофиқ аудитор режада аудит ўтказиш муддатлари ва аудит ўтказиш графигини тузишни, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузишни назарда тутиши лозим. Стандартга мувофиқ аудитнинг режаси тузилганидан сўнг аудит дастури тузилади. Аудит дастурида барча аудиторлик амалларининг батафсил рўйхати баён этилади. Дастур аудиторлар учун батафсил йўриқнома бўлиб унда текширилиши лозим бўлган бухгалтерия бўлимининг текшириш , ички назорат тизимини таҳлил қилиш бўйича барча ҳатти-ҳаракатларни акс эттирилиши керак. Халқаро амалиётда стандартлаштириладиган ҳар бир объект бўйича 100 та рақам берилган. Стандартлаш объектлари 11 та бўлгани учун жами 1100 та стандарт ишлаб чиқиш мумкин. Амалиётда бундай миқдордаги стандартлар учун эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли уларнинг кўпчилиги фойдаланилмайди.

«Sifat Sharob Savdo» mchj мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиладиган субъект ҳисобланади. Унинг фаолияти 2018 йилда "ОСИЁ-АУДИТ" аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувларидан ўтказилган.

Изланишлар ушбу аудиторлик ташкилотлари томонидан аудитни режалаштиришга етарлича эътибор берилганлигини кўриш мумкин. Бунинг ёрқин гувоҳи сифатида иловада келтирилган аудиторлик ҳисоботини визуал таҳлил қилиб чиқамиз. Тайёрланган аудиторлик ҳисоботидан кўриниб турибдики, аудиторлик текшируви Молия вазирлигининг 08.01.2008 йилдаги 04504–сонли малака сертификатига эга бўлган аудитор Исмаилов Адилбек

томонидан 2019 йил 10 апрелдаги 53-сонли шартнома асосида ўтказилган. Аудиторлик ҳисоботи шартнома тузилган сана билан расмийлаштирилган. Ҳисоботда аудитни қачон бошланганлиги ва қачон тугаганлиги акс эттирилмаган. Бошқача қилиб айтганда аудитга неча кун сарфланганлигини ҳисоботдан билиб бўлмайди.

Аудиторлик ҳисоботида аудиторлик текшируви режа ва дастур асосида ўтказилганлиги эътироф этилган. Ҳисоботда аудитор томонидан чунончи қуйидаги ишлар амалга оширилганлиги таъкидланган:

- * аудит дастурига асосан аудит учун текширувнинг муҳим соҳалари аниқлаштирилди;

- жамият молиявий ҳисоботлари миқдорий таҳлили қилинди;

- * баланс суммасига нисбатан муҳим қийматга эга бўлган баланс қаторлари аниқланди;

- * танланган баланс қаторларига нисбатан аудиторлик русум – қоидалари ўтказилди;

- * баланснинг бошқа қаторлари таҳлилий тадбирлар асосида текширилди.

- * аудиторлик хулосасини шакллантириш усун асос буладиган маълумотлар етарлилигини таъминлаш мақсадида аудиторлик далиллари тўпланди

- * аудиторлик далилларини олиш учун бухгалтерия дастлабки ҳужжатлари, ҳисобот моддалари асосида ётувчи ҳисоб маълумотлари ва бошқа манбаа маълумотларидан фойдаланилди.

Аудиторлик далиллари қуйидаги аудит тадбирларини қўллаш орқали олинган:

- Бир қанча бухгалтерия праводкаларининг мазмуни ва классификациясини аниқлаштириш учун бухгалтерия счетларининг жамланма ҳисоб айланмалари таҳлили;

- Бухгалтерия баланси, айланма — қолдиқ ведомости ва дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб регистрлари маълумотлари мослиги таҳлили;

- Бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва ҳисобнинг алоҳида маълумотлари ўзаро боғлиқлиги таҳлили;

- Раҳбарият буйруқлари, шартнома ва хатлар таҳлили;

- Ташкилот ходимлари билан хизмат вазифалари бўйича зиммаларига юклатилган ишлар мазмунининг тушуниш даражаларини баҳолаш учун ўтказилган сўровлар;

- Молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб регистрлари маълумотлари орасидаги ўзаро боғланишлар ва мослик таҳлили;

- Мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимини баҳолаш.

Аудиторлик хулосасини баён қилишга асос бўлиб аудиторлик ҳисоботи ҳисобланади. «Аудиторлик ҳисобот ва аудиторлик хулосаси» № 70 сон АФМСига мувофиқ аудиторлик ҳисоботида қуйидагилар очиб берилган:

- *Ички назорат тизимини текшириш натижалари (батафсил ёритилиши керак);*

- *Бухгалтерия ҳисоби аҳолини текшириш натижалари;*

- *Активлар сақланишини текшириш якунлари;*

- *Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китобни текшириш якунлари;*

- *Молия хўжалик фаолияти давомида меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш якунлари.*

Ҳисоботни баён қилишда текшириш давомида аудиторлар томонидан аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни тугатиш бўйича тавсиялар келтирилади.

Жамият фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бошқарув ва ҳисобнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларини эътиборга олган ҳолда аудитор томонидан аудиторлик текширувини ўтказиш дастури тайёрланди.

Аудит ўтказиш жараёнида маълумотларнинг қуйидаги манбаларидан фойдаланилганлиги эътироф этиган:

- Жамиятнинг молиявий ҳисоботи;
- Бош журнал, оборот-сальдо ведомостлари, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, Жамият бўйича буйруқ ва фармойишлар;
- Ҳисоб сиёсати, меҳнат жамоаси йиғилиши баённомалари, қарорлар, бошқа молиявий ва бошқа ҳужжатлар;
- Жамият ходимларининг маълумотлари;
- Маълумотларнинг бошқа манбалари.

Аудит қуйидаги тадбирлардан фойдаланган ҳолда танлама усулида ўтказилган:

- ❖ Қайта ҳисоб-китоб;
- ❖ Кўриб чиқиш;
- ❖ Ҳужжатларни текшириш;
- ❖ Оғзаки сўров ўтказиш;
- ❖ Таҳлилий тадбирлар.

Аудит қуйидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос равишда ўтказилган:

- Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик Фаолияти Миллий Стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси;
- Юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Аудиторлик ҳисоботи таркибий тузилиши ва мазмунидан келиб чиқиб, шунингдек улгуржи савдо фаолияти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда товар операциялари аудитининг хусусий режаси ва дастурини тузиб чиқишга ҳаракат килик. Улар 5,6-жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Товар операциялари аудитининг режаси

«Келишилди»
«Sifat Sharob Savdo»mchj
рахбари. Эштаев Э

«Тасдиқлайман»
«Осиё -аудит»
аудиторлик ташкилотининг
рахбари Исмоилов О

Аудит режаси («Товар операциялари»ни текшириш буйича)

Текшириладиган ҳужалик субъекти: «СИФАТ ШАРОБ САВДО» ИБУК.

Аудит даври 20-30 апрел 2019 йил

Аудитни утказишга кетадиган вақт (киши/соат)

2 киши, бир кунда 8 соат (160 киши/соат)

Аудиторлик гуруҳининг рахбари

: Исмоилов О

Бажарувчи:

Файзуллаев У, Исмоилов О

Режалаштирилган аудиторлик хатари -5%

Режалаштирилган натижаларнинг ҳақиқийлик даражаси- 95%

№	Аудит жараёнидаги иш ҳажми	Бажарилиш даври	Бажарувчи	Изоҳ
1	2910«Омбордаги товарлар»ни текшириш	Бир кун	Исмоилов О	
2	2911 товарлар ни текшириш	Икки кун	Файзуллаев У	
3	2913 товарлар(чакана)»ни текшириш	Бир кун	Файзуллаев У,	
4	2916«Товарлар (қайта ишланган ёғ-мой)»ни текшириш	Бир кун	Исмоилов О	
5	2950«Товар ости идишлари ва буш идишлар»ни текшириш	Икки кун	Исмоилов О	
6	2970«Йўлдаги товарлар»ни текшириш	Икки кун	Файзуллаев У,	
7	Текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	Бир кун	Исмоилов О	

Аудиторлик гуруҳининг

рахбари(аудитор) :

Исмоилов О .

6-жадвал

Товар операциялари аудитининг дастури

«Келишилди»
«Тасдиклайман»
«Sifat Sharob Savdo»mchj
рахбари. Эштаев Э

«Осиё аудит»
аудиторлик ташкилоти
рахбари Исмоилов О

Аудит дастури («Товар операциялари»ни текшириш буйича)

Текшириладиган ҳужалик субъекти: «Sifat Sharob Savdo»mchj

Аудит даври 20-30 апрел 2019 йил

Аудитни утказишга кетадиган вақт (киши/соат)

2 киши, бир кунда 8 соат (160 киши/соат)

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари: ТурдиевБ.Х

Бажарувчи:

Файзуллаев У, Исмоилов О

Режалаштирилган аудиторлик хатари -5%

Режалаштирилган натижаларнинг ҳақиқийлик даражаси- 95%

№	Текшириладиган масалалар мазмуни	Аудиторларнинг ишчи Ҳужжатлари	Текшириш усуллари
1	Товарларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдигини аниқлаш	Бош китоб, бухгалтерия баланси	Бухгалтерия балансини бош китоб билан солиштириш
2	Товарларнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш(инвентаризация ўтказиш)	Моддий жавобгар шахслар ҳисоботи, инвентаризация қайдномаси	Инвентаризация, танлаб кузатиш
3	Товарлар баҳосининг тўғрилигини текшириш	Савдо устамасининг ҳисоб-китоби	Иқтисодий, индекслар, таккослаш
4	Товарлар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишини текшириш	Бошлангич ҳужжатлар журнал -ордер ва қайдномалар	Солиштириш усули
5	Товар нобудгарчиликларининг мавжудлиги ва ҳисобини текшириш	Бош китоб, табиий камайтиш ҳисоб-китоби	Таккослаш усули
6	Реализациядан олинган молиявий натижани текшириш	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), бош китоб	Солиштириш, таккослаш усули

		маълумотлари	
7	Текшириш натижаларини умумлаштириш расмийлаштириш	ва Текшириш натижалари умумлаштирилган жадвал	Жадваллар, аудиторлик таҳлил

Аудиторлик гуруҳининг
рахбари(аудитор)

Исмоилов О

Аудитни режалаштиришда, чунончи унинг режа ва дастурин тузишдан олдин аудитор аудиторлик текширувнинг мақсади ва олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиқиб мижоз тўғрисида маълумотлар йиғишга ва бир қатор дастлабки ҳаракатларни амалга ошириши лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

1.Аудитор агар мижоз янги бўлса,у билан ҳамкорлик қилиш керакми, йўқми, агар у илгаридан алоқа қилиб келаётган мижоз бўлса, у билан муносабатларини давом эттириш мақсадга мувофиқми, йўқми деган саволларга жавоб бериши лозим.Тўплаган маълумотлари бўйича аудитор бу корхоналарни фирибгарлик, ҳисобот маълумотларини сохталаштириш,активларини ўзлаштириш ва аудиторларга тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилишда айбланганликларини аниқласа текширувдан воз кечиши мумкин.

2.Аудитор мижозни аудитор хизматидан фойдаланишга мажбур қилган сабабларни аниқлаши лозим.Бу маълумотлар аудиторлик текшируви таваккалчилигини аниқлаш учун зарур бўлади.Чунки корхона инқирозга юз тутаётган, тўлов шартларини мунтазам бузиб келаётганлиги учун судга берилган мулкни мусодара қилишга тайёрланаётган, ноқонуний фаолият юритишда ва фойдани яширишда айбланаётган бўлса таваккалчилик даражаси жуда юқори бўлади ва бу ҳолатда аудиторлик фирмаси ўз тажрибаси ҳамда ходимларининг билимини ҳисобга олган ҳолда бу буюртмани олиш ёки олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

3.Аудитор мижоз фирма билан иқтисодий алоқада бўлаётган хўжалик субъектлари тўғрисида атрофлича маълумот йиғиши лозим.

Бу нарса аудиторлик текшируви натижаларини истеъмолчиларини аниқлаш ва хулосаларини расмийлаштиришда уларнинг эҳтиёжларини тулароқ ҳисобга олиш имконини беради.

4.Аудитор мижоз корхона тўғрисида имкони борича тўла маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу маълумотлар корхона фаолиятининг куйидаги томонларини ёритиши лозим:

- корхона ишлаб чиқаришининг хусусиятлари ва кўламлари;
- корхона товарларининг истеъмолчилари;
- товарларнинг янги турларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар, тадқиқотлар;
- корхонанинг истеъмол бозоридаги ўрни ва ишбилармон доиралардаги унинг мавқеи;
- корхона бизнесининг ривожланиш истиқболлари;
- корхонадаги моддий техника таъминоти ва товарларни сотиш тизимида қўлланилаётган усуллар;
- корхонадаги бошқарув тизими, унинг раҳбарияти ва ходимларининг таркиби, уларнинг ёши ва билим даражалари;

5.Аудитор ўзини, аудиторлик ташкилотини ва унда ишлаётган ходимларни мижоз корхона манфаатлари билан боғлиқлик даражасини ўрганиб чиқиши лозим. Бу ҳолат аудиторлик текширувини мустақиллик, холислик принципини таъминлаш учун зарур. Агар фирма ходимларини, ёки уларнинг оилаларини мижоз корхонага алоқадорлиги бўлса ва у аудитни холислигига таъсир этиш кучига эга бўлса, фирма ёки аудитор бу буюртмани бажаришдан воз кечиши лозим. Мана шундай маълумотларга эга булгач, агар аудитор буюртмани олиш ўринли, деб ҳисобласа, ўз розилигини мижозга мажбурият хати орқали ёзма равишда билдиради. Мажбурият хатининг шакли ва мазмуни мижознинг таклифларидан келиб чиқиб турлича бўлиши

мумкин.Шу билан биргаликда халқаро аудит андозаларига кўра мажбурият хатида асосан қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниши кўзда тутилади:

- молиявий ахборотларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади;

- корхона раҳбариятини молиявий ахборотлар учун маъсулияти;

- ҳаракатдаги қонунлар,андозалар,касб идораларининг кўрсатмаларига ишораларни ҳисобга олган ҳолда аудит кўлами;

- текширув натижасида олинадиган ҳисоботлар ёки бошқа ахборотларнинг шакли;

- аудиторлик текширувини ўтказиш учун ажратилган вақтни чегараланганлигини ҳисобга олиб,шу вақт ичида текширув қанчалик тўлиқ олиб борилса ҳам,ёлғон маълумотларни аниқланмай қолиш эҳтимолини мавжудлигини кўрсатиш;

- аудиторлик текшируви билан боғлиқ маълумотлардан бемалол фойдаланиш имкониятини яратиш лозимлиги.

Булардан ташқари аудитор хатга яна қуйидаги ҳолатларни ҳам кўшиши мумкин:

- аудитни режалаштиришга тааллуқли битим;

- мижоздан мажбурият шартларига розилигини тасдиқлашни сўраш;

- мижоз учун тузиб берилиши кўзда тутилаётган бошқа бирор бир хат ёки ҳисоботлар тавсифи;

- хизматни тақдирлаш бўйича таклифлар

Буларга аниқлик киритилгач, унга яна қуйидаги ҳолатлар ҳам кўшилиши мумкин:

- аудитнинг айрим йўналишларига бошқа аудиторлар ва экспертларни жалб қилишга тааллуқли битим;

- текширувга ички аудиторлар ва мижознинг бошқа ходимларини жалб қилишга тааллуқли битим;

- агар имкони бўлса, аудитор мажбуриятларини ҳар қанақасига камайтиришга ҳаракат;

- мижоз билан аудитор ўртасида кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган битимларга ишора.

Аудитор текширув жараёнида қандай ҳолатлар ва қийинчиликлар билан тўқнаш келиши мумкинлигини аниқлаб олгандан кейин текширув режасини тузишга киришади. Унда қуйидаги йўналишларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- аудиторлик текширувининг олдига қўйилган вазифалар;
- текширувдан ўтказиш кўзда тутилаётган йўналишлар;
- текширув жараёнида алоҳида эътиборни жалб қилиш лозим бўлган фаолият йўналишлари;

- текширувни ўтказиш кетма-кетлиги;
- вақт сарфи;
- аудиторлар ўртасида вазифалар тақсимооти;
- ҳар бир йўналиш бўйича текширувга тортиладиган давр;
- ҳар бир юналиш бўйича текширувни ўтказиш усули;
- ички аудитор ишидан фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар;
- экспертлар ва бошқа аудиторлар хизматидан фойдаланиш зарур бўлган ҳолатлар;

- ҳар бир оралиқ ва якуний босқичнинг натижаларини расмийлаштириш шакли;

- хулосалар

Аудиторлик текшируви режаси тайёр булгач, аудитор уни танишиб чиқиш ва ўз фикрини билдириш учун мижоз корхона раҳбарига тақдим қилади. Фикрлардаги номувофиқлик бартараф қилиниб, режа раҳбарият томонидан маққулангач, корхонада аудиторлик текширувига тайёргарлик бўйича ҳаракат бошланади. Корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси фирмани аудиторлик текширувига тайёрлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг

хар бирини бажариш бўйича масъул ходимларни ва ишларни амалга ошириш вақтини белгилаб қуядилар. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш аудитни ташкил этишининг 2-босқичини ташкил этади. Ушбу босқични аудиторлар 1-босқичда тузилган дастурга мувофиқ олиб борадилар. Дастурга кирган ҳар бир мавзу ёки объектни текширишда аудиторлар маълум кетма-кетликда амал қилишлари, текширишни юқоридан пастга қараб ёки пастдан юқорига қараб текшириш усуллари билан амалга оширишлари лозим. Пастдан юқорига қараб текшириш энг қулай усул ҳисобланади. Ушбу усулга мувофиқ, аудитор ҳар бир объект бўйича маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан тортиб то ҳисоботда акс эттирилган кўрсаткичгача тизимлаб чиқади. Аудитор барча текшириш объектилари тўғрисидаги маълумотларни бошланғич ҳужжатлар асосида ўзининг компютерида киритиб боради, оралиқ маълумотларни ойлик, чорақлик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик даврлар бўйича жамлайди. Бошланғич ҳужжатлар бўйича исботларни тўплаш чоғида уларнинг тўғри тузилганлигини текширади, улардаги баҳоларни ва соний-суммавий миқдорларни шартномалар билан таққослайди. Ҳар ойлик маълумотларнинг Бош китобдаги мос счётларнинг маълумотлари билан уйғунлигини текширади. Тўплаган маълумотларни “Бухгалтерия баланси”, “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” ва ҳисоботнинг бошқа шаклларида акс эттирилган маълумотлар билан таққослаб кўради. Тўплаган исботларни ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан мос келиши текшириладиган объект ҳисоби тўғри олиб борилганлигидан, мос келмаслиги эса хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигидан дарак беради. Мос келмаслик аудитордан четланишлар бўйича кейинги исбот-у далилларни йиғишни талаб этади. Худди шундай кетма-кетлик, маълумотларни йиғиш тартиби аудитнинг барча объектилари бўйича амалга оширилади. Шундан қилиб, аудиторлик текшируви барча объектилар бўйича қуйидаги умумий методологик тартибда амал қилинган ҳолда ўтказилиши лозим (4-расм).



4-расм. Аудитни ўтказишнинг умумий методологик тартиби

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидаги кетма-кетликка амал қилиниши, шунингдек, қуйидаги ишлар олдинма-кетин бажарилиши керак.

1. Аудитнинг аниқ объектлари ва уларни текшириш кетма-кетлиги белгиланади. Объектларни текширишда кетма-кетликни тўғри танлаш ҳам катта рол ўйнайди, чунки объектлар ҳам ҳисоб нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

2. Ҳар бир объект бўйича текшириш тестлари тузиб чиқилади ва улар бўйича исбот-у далиллар тўпланади.

3. Ҳар бир объект бўйича текшириш натижаси аниқланади, яъни аудитор текширган объект бўйича ҳисоб маълумотининг тўғрилигини тасдиқлайди ёки унда қанчалик четланиш борлигини исботлаб беради.

2.2. Улгуржи савдо фаолияти аудитининг ахборот манбалари ва уларни такомиллаштириш

Улгуржи савдо фаолияти аудити самараси бевосита унинг ахборот манбаларига боғлиқ.

Умумий олганда ҳар қандай корхона хўжалик фаолияти аудитининг ахборот таъминоти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Корхонанинг таъсис ва ташкилий ҳужжатлари;
- Корхонанинг ҳисоб сиёсати;
- Корхонанинг молиявий ҳисоботи;
- Бош журнал, оборот-сальдо ведомостлари, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари

- Корхона раҳбарининг буйруқ ва фармойишлари;
- Мехнат жамоаси йиғилиши баённомалари, қарорлари
- Моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар;
- Хўжалик шартномалари;
- Корхона ходимлари тўғрисидаги маълумотлари;
- Суд-ижро қарорлари;
- Статистика ва солиқ ҳисоботлари;
- Маълумотларнинг бошқа манбалари.

Улгуржи савдо фаолияти аудитида қуйидагилар тўғрисидаги ахборотлар муҳим ўрин тутди:

*товар-моддий бойликлар ва улар ҳисобини ташкил қилиш асослари-омбор хўжалиги ва моддий жавобгарликни ташкил этилиши, товарлар кирим қийматини (таннархини) шакллантирилиши, уларни сотиш баҳоларини шакллантирилиши;

*товар-моддий бойликлар кирими, сотилиши, бошқа чиқимлари;

*товарлар ҳаракати бўйича моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари, омбор ҳисоби регистрлари;

- *товарлар ҳаракатининг аналитик ҳисоби;
- *товарлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби;
- *товарларни сотишдан олинган ялпи ва соф тушум;
- *таъминотчилар ва харидорлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши, улар билан ҳисоб-китоблар;
- *товарларни сотишдан тўланадиган солиқлар ва бошқалар.

Улгуржи савдо фаолияти аудитида бош объект бўлиб товарнинг ўзи ҳисобланади. Шу боис, аудиторлар учун ахборот манбаи сифатида товар ҳисобини юритишга таъсир қилувчи ўзига хос жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳисоб юритиш ва аудитда товарларнинг қуйидаги хусусиятлари ўта муҳим (5-расм).



5-расм. Товарларнинг ҳисоб юритиш муҳим роль ўйновчи ўзига хос хусусиятлари

Истеъмол қийматига эгалик деганда товарда маълум бир истеъмол қийматининг мавжудлиги тушунилади. Юқорида таъкидланганидек агар товар маълум бир истемол қийматини ўзида гавдалантирмаса, у ҳолда бу товарни сотиб олишдан наф йўқ. Чунки товарни сотиб олган ҳар бир шахс уни сотиш орқали фойда олишни кўзлайди.

Пулда баҳоланиш. Бу хусусият нафақат товарларнинг балки барча активларнинг умумий хусусияти ҳисобланади. Корхона активларини балансда акс эттириш учун уларни, албатта, баҳолаш зарур. Сабаби балансда барча активлар сумма бирлигида яъни пул ўлчовида акс эттирилади.

Пулга ва бошқа активларга алмаштирилиши хусусиятига барча турдаги ТМЗлар эга ҳисобланади. Бу хусусият уларнинг айрибошлаш хусусиятидан келиб чиқади. Яъни товарларни сотиш ва бошқа турдаги маҳсулотларга ёки бўлмаса асосий воситаларга ҳам айрибошлаш мумкин.

Товарларнинг инвестиция воситаси сифатида қўлланилишида кўпроқ уларнинг бошқа корхоналарга улушли тарзда киритилиши билан изоҳланади. Масалан, товарларни аксияларга ва бошқа турдаги қимматбаҳо қоғозларга алмаштириш ёки уларни бошқа корхоналарга таъсис бадали сифатида киритиш мумкин.

Ижарага бериш объекти бўла олмаслиги. Товарлар умумий ҳолда фақат реализация қилиш учун сотиб олинади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, товарлар бошқа активлар каби ижарага берилмайди. Сабаби товарлар корхонани буткул тарк этиши ва ўз қийматини янги қийматликка ўзгартириши лозим. Шу туфайли, бу хусусияттоварларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Демак, ҳисоб объекти сифатида **товар** деганда, авваламбор, қиймат ва истеъмол қийматига эга бўлган, пулга ва бошқа активларга алмаштириладиган, инвестиция сифатида киритилиши мумкин бўлган, шу билан бирга ижара объекти бўлиб ҳисобланмайдиган нозу-нематларни, меҳнат предметларини тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Бухгалтерия ҳисобида товарлар турган жойига, эгалик қилиш ҳуқуқига, турларига, баҳосига ва бошқа белгиларига қараб акс эттирилади (6-расмларга қаранг).



6-расм. Савдо фаолияти билан шугулланувчи корхоналарда товарларнинг умумий таснифи

Турган жойига қараб товарларни омборлардаги, чакана савдо шаҳобчаларидаги, выставкадаги, комиссиядаги, консигнаторлардаги, йўлдаги ва бошқа товарларга бўлиш мумкин.


Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра товарларни хусусий товарлар, консигнацион товарлар, комиссион товарларга ажратиш мумкин.

Яхлит хўжалик юритувчи субъект нуқтаи назаридан унинг ихтиёридаги товарлар жами активларнинг, чунончи жорий активларнинг бир тури ҳисобланади (7-расм).



7-расм. Товарларнинг бухгалтерия ҳисоби объектлари таркибидаги ўрни

Сотиш турига қараб товарларни улгуржи, майда улжуржи ва чакана сотилган товарларга бўлиш мумкин (8-расмга қаранг).



8-расм. Товарларни сотиш усуллари

Улгуржи сотиш – бу товарларни келгусида бошқаларга сотиш ёки истеъмол қилиш учун сотилиши. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик

юритувчисубъектлар улгуржи савдо корхоналари деб аталади. Улгуржисавдонинг ҳарактерли хусусиятларига қуйидагиларкиради:

- Товарларни катта партияларда нақдсиз сотилиши;
- Ҳар бир сотиш муомаласини албатта счёт-фактура билан қатъий расмийлаштириб ишонч кагози бириктириб товарларни фақат омборхоналардан жўнатилиши;

Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон гарори билан тасдигланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини кайд этиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом»га мувофик амалга оширилиши лозим. Ушбу низомга мувофик улгуржи савдо билан шуғулланиш учун улгуржи савдо корхоналари, шунингдек, улгуржи савдо билан шуғулланмогчи бўлган бошга корхоналар энг кам иш ҳакиннинг 3500 микдориддаги устав капиталига эга бўлсагина уларга Улгуржи сотиш гувоҳномаси махаллий хокимиятлар томонидан берилади.

Чакана сотиш—бу товарларни охирги истеъмолчига сотиш. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо корхоналари деб аталади.

Товарларни нақд пулга сотилиши;

- Товарларни савдо шаҳобчаларида савдо устамалари билан бирга хисобга олиниши; ҳамда тараларни бириктириб соцх

- Товарларни нақдсиз майда улгуржи сотилишининг чегараланганлиги;
- Ҳар бир товарнинг сотилишини ҳужжатли расмийлаштирилмаслиги, лекинда касса аппарати паттаси билан сотиш суммасини қайд этилиши;

Чакана савдо фаолиятини олиб бориш республикамизда Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари» орқали тартибга солинган.

Аудиторлик текширувининг ахборот таминотида товарларни сотиб олиш ва сотиш қиймати тўғрисидаги ахборотлар ҳамда уларни тўғри шакллантирилганлиги ўта муҳимдир.

Республикаимизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қиймати, яъни таннархи (Тт), ўз ичига қуйидагиларни олади:

1.Сотиб олишда товар етказиб берувчи билан тузилган шартномада кўрсатилган баҳо (Шб);

2.Сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар (Сх). Буларга сотиб олиш билан боғлиқ брокерлик хизматлари, комисион (воситачилик) харажатлар, ташиб келтириш харажатлари (темир йўл, сув, ҳаво йўллари ва бошқа транспорт ташкилотларнинг юклаш, тушуриш ва етказиб бериш харажатлари), товарларни сертификациялаш харажатлари ва шу кабилар киради;

3.Божхона тўловлари (Бт). Божхона тўловларига акциз солиғи (А), кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), божхона божи (Бб), божхона йиғими (Бй) киради. Бу харажатлар чет элдан импорт қилинган товарларга тааллуқли бўлиб, уларнинг суммалари божхона юк декларацияларида (БЮД) кўрсатилади.

Шундай қилиб, товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қиймати (таннархи)ни аниқлашнинг математик қурилмаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Тт = Шб + Сх + Бт$$

Бу ерда: $Бт = А + ҚҚС + Бб + Бй$

Ушбу математик қурилма бўйича товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қийматини (таннархини) белгилаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, келиб тушган товарларнинг сотиб олиш баҳоси бошланғич ҳужжатларга (счёт фактуралар, БЮД) асосан аниқланади. Ушбу баҳолар

томонлар ўртасида тузилган шартномалар (контрактлар)га мос бўлиши лозим.

Иккинчидан, бошланғич ҳужжатларга (счёт фактуралар, БЮД) асосан таъминотчиларга ҳар бир товар бўйича тўланган ҚҚС суммаси топилади. ҚҚС суммаси уни сотиб олиш баҳосини 20 фоизга қўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади.

Учинчидан, товарларни сотиб олинishiга бевосита алоқадор бўлган турли хизмат харажатлари (ташиб келтириш, брокерлик, воситачилик, сертификациялаш ва бошқалар) суммаси ушбу хизматларни кўрсатган ташкилотларнинг тақдим этган счётлари бўйича аниқланади. Топилган сумма жами келиб тушган товарларнинг сотиб олиш қиймати (ҚҚС сиз) бўлинади ва натижа 100 фоизга қўпайтирилиб, бир сўмлик товарга тўғри келадиган хизмат харажатларининг ўртача фоизи аниқланади. Ушбу ўртача фоизни ҳар бир товарнинг сотиб олиш нархи (ҚҚС сиз) қўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали унинг сотиб олиш баҳосига киритиладиган хизмат турлари харажатларининг ўртача суммаси аниқланади.

Тўртинчидан, импорт товарлар бўйича божхона тўловларининг ҳар бир бирлик товарнинг сотиб олиш нархи (қўшиладиган мос равишдаги акциз солиғи, ҚҚС солиғи, божхона божи ва божхона йиғимлари суммаси топилади.

Ушбу санаб ўтилган процедуралар амалга оширилгандан сўнг келиб тушган ҳар бир бирлик товарнинг ўртача сотиб олиш қиймати (таннархи) юқоридаги математик қурилма асосида топилади.

Юқоридаги ҳисоб-китобларга мувофиқ топилган сотиб олиш қиймати (таннархи) асосида товарлар омборларга кирим қилиниши лозим.

Улгуржи савдо корхоналарида товарлар харидорларга сотиш баҳоларида сотилади. Товарларни сотиш баҳоси (СБ) ўз ичига, асосан, қуйидаги иккита элементни олади:

1.Товарларни сотиб олиш қиймати, яъни таннархи (Т) – ушбу элемент, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ичига товарларни шартномавий баҳолардаги сотиб олиш қиймати ҳамда уларни сотиб олишга доир қўшимча харажатларни олади.

2.Савдо устамаси (Су).

Демак, товарларни сотиш баҳосини математик қурилма сифатида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Cб = T + Cу$$

Савдо устамалари улгуржи савдо корхоналарининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Савдо устамалари кўринишида олинган даромад (Д) улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоларидаги қиймати($Cк$) ва сотиш таннархи ($Cт$) ўртасидаги фарқдан иборат бўлади, яъни

$$Д = Cк - Cт$$

Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоларини белгилашда қуйидаги тартибларга амал қилиниши лозим.

1.Савдо устамаларининг чегаралари давлат томонидан белгиланмаган товарлар бўйича сотиш баҳолари келишув шартномаларига мувофиқ белгиланади. Бундай товарлар бўйича уларнинг сотиш баҳолари шартномаларда қатъий суммада ёки база деб олинган сотиб олиш қиймати (таннарх) устига келишилган савдо устамалари фоизини кўрсатиш йўли билан белгиланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сонли қарорига мувофиқ 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи

савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Савдо устамаларини савдо бўғинлари ўртасида тўғри тақсимланиши жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу тақсимот шундай бўлиши керакки, у товарларни, айниқса дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, истеъмолчиларга етказувчи барча савдо бўғинларини даромад олишига ва бунинг эвазига ўзларининг харажатларини қоплаши ва маълум миқдордаги фойдани олинишига имкон яратиши керак. Савдо устамаларини биринчи бўғинларда катта меъёрга қўйилиши ва белгиланган чегаравий меъёрни тўлиқ ишлатилиб қўйилиши охириги савдо бўғинида товарларни савдо устамаси билан сотиш ҳуқуқини йўқолишига, бунинг эвазига уларни сотишдан даромад эмас, балким зарар кўришга олиб келиши мумкин.

Аудиторлар товарлар кириш қиймати (таннари) ва сотиш баҳоларини тўғри шакллантирилганлигини текшириш учун юқорида келтирилган тартибларга асосланишлари лозим.

Улгуржи савдо фаолияти мазмунини товар операциялари ташкил этади.

Товар операциялари деганда товарларни сотиб олиш, сотиш, бошқа активларга айрибошлаш билан боғлиқ умумий муомалалар мажмуаси тушунилади. Товар операцияларини ҳисобга олишда турли бошланғич ҳужжатлар қўлланилади. Ушбу кириш вачиқим ҳужжатлари асосида омбор ва фирма магазини мудирлари товар ҳисоботларини тузадилар, Товар ҳисоботлари улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларини (журнал-ордерлар, қайдномалар ва бош китобни) юритишга асос бўлади.

Юқорида келтирилган ахборот манбалари аудитда, бир томондан, уни ўтказишга асос бўлса, иккинчи томондан, аудит текширувлари объектлари сифатида унинг мазмунини ташкил этади. Ушбу масалаларга ишимизнинг 3-бобида батафсил тўхталамиз.

3-бoб. УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда товар операциялари аудитининг методологик тартиблари

Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда товар операциялари аудити уларнинг йил бошидаги қолдиғини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун аудитор йил бошидаги баланс маълумоти, шунингдек 2910 “Омбордаги товарлар” счёти бўйича Бош китоб, журнал-ордер ва охирги товар ҳисоботлари асосида ушбу маълумотларнинг бир хиллиги ва бир бирига мослигига иқдор бўлиши лозим. Агарда ўтган йилнинг охирги санасида товарлар инвентаризация қилинган бўлса, ушбу инвентаризация маълумотлари ҳам баланс, Бош китоб, 10-журнал-ордер ва охирги товар ҳисоботларида бир хил бўлиши керак. Бундай мослик мавжуд бўлмаганда, дастлаб, уларнинг сабаблари ўрганилиши ва тегишли хулосага келилиши лозим. Чунки, йил бошидаги қолдиқдаги четланишлар текширилаётган ҳисобот йили охиридаги товарлар қолдиғини баланс, Бош китоб, 10-журнал-ордер ва охирги товар ҳисоботларида ҳам нотўғри акс эттирилганлигига олиб келади.

Товарларнинг текширув даври бошига ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлига иқдор бўлингач, аудиторлар ҳисобот даврида товарлар кими ва чиқими хужжатли асосда текшириб чиқади. Бундай текширувлар омбор мудирларининг ҳисоботлари, уларга илова қилинган бошланғич хужжатлар, 2910 “Омбордаги товарлар” счётига очилган журнал-ордер ва Бош китоб маълумотлари асосида амалга оширилади.

Одатда, товарлар кими таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар билан, уларнинг чиқими эса харидорлар билан ҳисоб-китоблар билан параллел

равишда текширилади. Шу боис ҳам, аудиторлар текширув даври бошига таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолатини акс эттирувчи ёйилмаларни оладилар, шунингдек улар қолдиқларини баланс, Бош китоб ва тегишли журнал-ордерларда бир хилда акс эттирилганлигини текширишлари лозим бўлади.

Шундан сўнг, аудиторлар товарларнинг барчи кирими ва таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар ҳолатини ҳужжатли асосда текшириб чиқишлари лозим. Бунда ҳар бир таъминотчи билан шартномаларнинг тузилганлиги, улар бўйича бўнак суммаларининг ўтказилганлиги, ишончномаларнинг берилганлиги, таъминотчилардан товарларни счё-фактуралар асосида олиб келинганлиги, уларни омборларга кирим қилинганлиги текширилиши лозим. Республикамизнинг амалда бўлган 4-сон БҲМСга мувофиқ товарларни ташиб келтириш харажатлари кирим қилинган товарлар таннарига киритилиши лозим. Аудиторлар ушбу ташиб келтириш харажатларини товарлар қиймати устига тўғри киритилганлигига иқро-р бўлишлари лозим.

Товарлар киримига доир операциялар журнал-ордерда ойма-ой счё-фактуралар асосида жамлаб борилади. Ушбу журнал ордерларнинг ой якуни бўйича жамлама суммалари Бош китобдаги ушбу ҳисобот ойидаги Дебет 2910 Кредит 6010 ёзуви суммасига мос келиши лозим. Бош китобдаги ушбу ёзувнинг барча ойлар бўйича жамламаси ҳисобот йилида таъминотчилардан кирим қилинган товарлар суммасини билдиради. Ойлар кесимида юқоридаги маълумотлар реаллигини текшириш асосида жами ҳисобот йилида кирим қилинган товарлар суммасини ҳисобда реал акс эттирилганлиги ёки унда четланишлар мавжудлиги аниқланади.

Параллел равишда таъминотчилар билан ҳисоблашишлар ҳолати текширилади. Бунинг учун таъминотчилар кесимида уларга ўтказилган бўнаклар Дебет 4310 Кредит 5110 ёки 5510, шунингдек ушбу бўнакларнинг ёпилиши Дебет 6010 Кредит 4310, якуний ҳисоб-китобларни Дебет 6010

Кредит 5110 ёки 5510 ёзувлари асосида реал акс эттирилганлиги текширилади. Юқоридаги тартибларда амалга оширилган текширувлар асосида барча таъминотчилар бўйича ҳисоб-китобларнинг бош ва охирги қолдиклари ҳамда улар бўйича дебет ва кредит айланмаларни ифодаловчи айланма қайднома тузилади. Ушбу қайдноманинг жамлама суммалар ҳисоб-китоблар суммаларини баланс ва Бош китобда реал акс эттирилганлигини текширишга ҳам асос бўлади.

Товарлар кирими текширилгач, уларнинг омборлардан чиқими текширилади. Бундай чиқимлар асосан харидорларга сотилган товарлардан, товар нобудгарчиликларидан, товарларни бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилганлигидан, шунингдек фирма магазинлари мавжуд бўлганда, омборлардан дўконларга берилган товарлардан иборат бўлади.

Белгиланган тартибга кўра товарлар харидорларга тузилган шартномалар асосида сотиш баҳоларида, яъни уларнинг кирим баҳолари устига маълум савдо устамалари қўйилган ҳолда берилади. Товарларни харидорларга улгуржи сотишда олдиндан бўнак суммасини келиб тушганлиги, товарларни олиб кетиш учун ишончномаларнинг берилганлиги асосий талаблардан ҳисобланади. Аудиторлик текширувларида ушбу талабларга қай даражада амал қилинганлик аниқланиши лозим. Шунингдек, ҳар бир харидорга товарларни сотилиши, улар билан охирги ҳисоб-китоблар ҳолати текширилади, дебиторлик қарзларни муддатида ёпилганлиги аниқланади.

Параллел равишда харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳолати текширилади. Бунинг учун харидорлар кесимида улардан келиб тушган бўнаклар Дебет 5110 Кредит 6310, харидорларга товарларни сотилиши Дебет 4010 Кредит 9020, шунингдек олинган бўнакларнинг ёпилиши Дебет 6310 Кредит 4010, якуний ҳисоб-китобларни Дебет 5110 Кредит 4010 ёзувлари асосида реал акс эттирилганлиги текширилади. Юқоридаги тартибларда амалга оширилган текширувлар асосида барча харидорлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бош ва охирги қолдиклари ҳамда улар бўйича дебет ва кредит айланмаларни

ифодаловчи айланма қайднома тузилади. Ушбу қайдноманинг жамлама суммалар ҳисоб-китоблар суммаларини баланс ва Бош китобда реал акс эттирилганлигини текширишга ҳам асос бўлади.

Товар нобудгарчиликларига йўл қўйилганда, уларни тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатномалар)нинг мавжудлиги, уларни тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Товарларни бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилганлиги ҳолатлари (масалан ўз ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатилганлиги ва бошқалар) бўлган тақдирда ҳам уларнинг асослилиги, яъни тегишли ҳужжатлар мавжудлиги, уларни тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади.

Товарларни омбордан бошқа бўлимларга, масалан бошқа омборларга ёки савдо дўконларига берилган ҳолатлар бўлганда уларнинг ҳам тегишли ҳужжатлар (ички нақддойлар билан) тўғри расмийлаштирилганлиги текширилиши лозим.

Товарлар омборларда, олдин таъкидлаб ўтганимиздек, уларнинг кириш баҳоларида (таннархида) ҳисобга олинади. Шу баҳоларда уларнинг ҳолати ва ҳаракати омбор мудирларининг ҳисоботларида акс эттирилиши лозим. Аудиторлар товар ҳисоботларини ушбу тартибга мос равишда тузилганлигини текширишлари лозим.

Товарларнинг омборлардан таннархи бўйича чиқими ҳисобда 2910 “Омборлардаги товарлар” счётининг кредитида ва чиқим операциясининг мазмунига мос равишда 9120 “Сотилган товарлар таннархи”, 5910 “Камомадлар”, 9430 “Бошқа операцион харажатлар”, 0690 “Бошқа молиявий инвестициялар” каби счётларда акс эттирилади. Аудиторлар журнал-ордерлар ва Бош китобда акс эттирилган ушбу ёзувларнинг мазмун ва моҳиятига мослиги ва асосли эканлигини аниқлашлари лозим.

Улгуржи савдо корхоналари товарларни ўз фирма магазинлари орқали сотиш билан шуғулланган ҳолларда ушбу бўлимларда товарлар кириши ва чиқими алоҳида текширилиши лозим. Бу биз тадқиқотлар олиб борган «СИФАТ

ШАРОБ САВДО» ИБУКда ушбу ҳолат мавжуд. Ушбу база сотиб олинган товарларни ўзининг фирма дўконлари орқали сотиш билан ҳам шуғулланган.

Дўконларда товарлар омборлардан фарқли равишда сотиш баҳоларида кирим қилинади. Товарларнинг сотиш баҳолари «СИФАТ ШАРОБ САВДО» ИБУКда, один таъкидлаганимиздек, кирим паттасида акс эттирилиди.

Дўконларда товарлар киримига доир операциялар журнал-ордерда ойма-ой кирим патталари асосида Дебет 2920 Кредит 2910 ҳамда Дебет 2920 Кредит 2980 ёзувлари билан жамлаб борилади. Ушбу журнал ордерларнинг ой якуни бўйича жамлама суммалари Бош китобдаги ушбу ҳисобот ойидаги юқоридаги ёзувлар суммасига мос келиши лозим. Бош китобдаги ушбу ёзувнинг барча ойлар бўйича жамламаси ҳисобот йилида омборлардан кирим қилинган товарларнинг таннархи ва улар устига қўйилган савдо устамалари суммасини билдиради. Ойлар кесимида юқоридаги маълумотлар реаллигини текшириш асосида жами ҳисобот йилида дўконларга кирим қилинган товарлар суммасини ҳисобда реал акс эттирилганлиги ёки унда четланишлар мавжудлиги аниқланади.

Дўконлардан товарлар нақд пулга ва пластик карточкалар орқали ККМларни қўллаш асосида сотилади. Дўкон мудирлари ҳам товарлар, ҳам улар учун олинган пул маблағлари учун масъул ҳисобланади. Шу боис ҳам омбор мудирларидан фарқли ўлароқ улар “Товар-пул ҳисоботини тузадилар”. Ушбу ҳисоботларда товарларнинг бош ва охириги қолдиқлари, шунингдек уларнинг кирими ва чиқими сотиш баҳоларида акс эттирилади. Товар-пул ҳисоботида товарлар кирими ички нақднинг, чиқими эса касса кирим ордери квитанциялари ҳамда ККМ чеклари асосида акс эттирилади. Товар-пул ҳисоботининг охирида ҳам товарлар, ҳам кассага топширилмаган пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Аудиторлар ушбу ҳисоботларни тўғри тузилганлигини, уларга барча тегишли ҳужжатларни илова қилинганлигини текширишлари лозим.

Товар-пул ҳисоботлари ва уларга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар бухгалтерияда дўконларда товарлар ҳолати ва ҳаракатини акс эттирувчи ва 2980, савдо пуллари Дебет 5010,5710 Кредит 9020, шунингдек сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаларини ва сотилган товарлар таннарини Дебет 9120 Кредит 2920 счётларида тўғри акс эттирилганлигини текширишга асос бўлади. Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамалари барча товарларга бир хил бўлмаслиги сабабли махсус ҳисоб-китоб асосида ўртача савдо устамаси фоизидан келиб чиқиб аниқланади. Бу ўртача савдо устамаси 2980 счётнингқолдиғини ҳамда 9120 счётнинг суммасини реал аниқлашга хизмат қилади.

Аудиторлар ҳам омборлардаги, ҳам дўконлардаги товарлар бўйича улар бутлигини, ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини, улар қолдиғини ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига мослигини фақатгина инвентаризация қилиш йўли билан аниқлашлари мумкин. Бундай инвентаризация аудитор томонидан улгуржи савдо корхоналари рухсати билан амалга оширилади. Инвентаризацияга розилик берилмаган тақдирда аудиторлар бу тўғрисида ўзларининг ҳисоботларида тегишли ёзувларни қилишлари лозим бўлади.

Шундай қилиб, товар операциялари аудитининг юқорида қисқача изоҳи келтирилган кетма-кетлигидан кўриниб турибдики, бу жараён ўта мураккаб ва масъулиятли ҳисобланади. Бунда бир хилдаги умумий талабларга амал қилиш лозим бўлсада, бироқ аудиторлик текширувлари амалиётида уларга тўлиқ амал қилинмоқда деб бўлмайди. Ўтказилаётган аудиторлик текширувларида миқдорнинг хохиш-иродаси бирламчи рол ўйнамоқда. Аудиторлар аксарият ҳолатда бошланғич ҳужжатлар асосида молиявий ҳисоботлар реаллигини текшириш билан чегараланиб қолмоқдалар. Бироқ, бу ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатида умуман ишониб бўлмайди дегани эмас. Ҳозирги хусусий мулкчилик шароитида хусусий мулк эгаси ўзининг мулкчининг реал мавжудлигига авваламбор ўзи жавобгар. Улар томонидан товар-моддий бойликлар ҳолати реаллиги, улар бўйича талон-

тарожликка йўл қўйишлар олдини олиш иштиёқи мавжудлиги бўлганда, аудиторлар ушбу ишни тўлиқ амалга оширишлари мумкин.

3.2.Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарида товарлар киними ва чиқими аудити амалиёти

“СИФАТ ШАРОВ САВДО” МЧЖ нинг 2018 йил 1 январдан 2018 йил 31 декабр даври молиявий хисоботлари юзасидан тузилган аудиторлик хисоботида кўра 2018 йил бошига дўконлар хисобида 495 690 минг сўм товарлар қолдиғи бўлган, йил бошига савдо дўконлари хисобидаги товарлар қолдиғи Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2017 йил 01 декабрда № 2959-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитасининг № 187, №2017-74 сонли “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида” ги қарорлари бўйича 2017 йил 31 декабр ҳолатига дўконлар хисобидаги қолдиқлар қайта кўриб чиқилган, йил давомида асосий омбордан 7 207 425 минг сўм товар 1 178 482 минг сўм устамаси жами 8 385 908 минг сўм киним қилинган. Товарлар қолдиқлари 39 415,9 минг сўмга қайта баҳоланилган.

Товар қолдиғи 39 415,9 минг сўмга қайта баҳоланганда Д-т 29.20 К-т 95.90 бухгалтерия проводкаси берилган.

Магазиндаги товарларнинг энг кам сотиш нарҳини 2018 йилга тўғирлаш учун 39 415,9 минг сўмга қайта баҳоланганда Д-т 29.20 К-т 29.80 бухгалтерия проводкаси берилган.

Йил давомида савдо дўконларида бухгалтерия маълумотлари асосида 3 646 052 минг сўм нақд пул ва 4 819 649 минг сўм терминал орқали жами 8 465 701 минг сўм товар айланма бўлган.

2018 йилда савдо дўконларида товарлар қолдиғи, кирим ва чиқими 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

**“СИФАТ ШАРОБ САВДО” МЧЖ савдо дўконларида товарлар
ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар
(сумда)**

Магазин	Йил бошига қолдиқ	2018 йил		Йил охирига қолдиқ
		кирим	Чиқим	
Фир маг №1 Фозилов Хуршид	355 602 361,25	5 441 311 395,69	5 503 790 850,00	293 122 906,94
Фир маг №3 Хакимов Мусин	62 619 708,66	588 348 335,92	608 313 037,00	42 655 007,58
Фир маг №6 Абдувоҳидов Ш	76 730 424,19	2 195 435 251,62	2 152 641 783,00	119 523 892,81
Фир маг №9 Курбонов Кутфиддин	737 494,04	200 228 694,56	200 955 700,00	10 488,60
Жами	495 689 988,14	8 425 323 677,79	8 465 701 370,00	455 312 295,93

Савдо дўконлари ҳисобидаги товарлар қолдиғи Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда № 3107-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитасининг № 158, №2018-85 сонли “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида” ги қарорлари бўйича 2018 йил 31 декабр ҳолатига дўконлар ҳисобидаги қолдиқлар қайта кўриб чиқилган. Товар қолдиқларини қайта баҳоланган.

Омборлардан (улгуржи савдо) харидорларга завод қийматидаги 19 390 646 минг сўм товарлар учун 3 103 063 минг сўм ўртача 16% устамалар билан 22 493 709 минг сўмга сотилган.

Савдо дўконларга омбордан 7 207 425 минг сўм завод баҳосидаги товарларга 1 178 482 минг сўм ўртача 16,35 % устамалар билан чиқим қилинган. Сотилган товарлар учун 1 183 667 минг сўм савдо устамаси даромадга олинган.

2018 йил ҳисоботларида сотилган маҳсулотларнинг ҳисобига олинган ялпи фойда 4 286 729 минг сўмни ташкил қилган.

Харидорларга сотилган товар таннархи 19 390 647 минг сўм, магазинда сотилган товар таннархи 7 282 034 минг сўм жами 26 672 681 минг сўмни ташкил этган.

Базанинг улгуржи ва чакана савдо учун рентабеллиги ўрганилганда Базада 2018 йилда товарларга ўртача 16,71 % устама билан сотилган.

«SAMARQAND DORI DARMON» акцидорлик жамиятининг 2018 йил молиявий хўжалик фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилганда товарлар кимири ва чиқими бўйича қуйидагилар аниқланган (8-жадвалга қаранг).

8-жадвал

**«SAMARQAND DORI DARMON» АЖда 2018 йилда товарлар
харакатининг сўтлар кесимидаги тафсилоти
Сўт 2900 “Товарлар”**

Кор.сўт	Корхона ҳисоби бўйича		Аудит текширувида		Сўтланиш	
	Кредит Сўтлар	Добет сўтлар	Кредит сўтлар	Добет сўтлар	Кредит сўтлар	Добет сўтлар
Бощ.сальдо	16 242 373 605,71		16 242 373 605,71		0	0
10	7 756 250,00	4 249 474,00	7 756 250,00	4 249 474,00	0	0
15	232 878 566,78		232 878 566,78		0	0
28	32 305 000,00		32 305 000,00			0
29	29 050 683 882,44	29 050 683 882,44	29 050 683 882,44	29 050 683 882,44	0	0
40	1 241 122 694,96	1 193 434 187,96	1 241 122 694,96	1 193 434 187,96	0	0
41		414 812,54		414 812,54	0	0
59	42 612,00	42 510,87	42 612,00	42 510,87	0	0
60	26 523 456 037,09	317 792 457,98	26 523 456 037,09	317 792 457,98	0	0
91		26 706 697 884,35		26 706 697 884,35	0	0
93	-2 319 997,73		-2 319 997,73		0	0
94		361 839 065,20		361 839 065,20	0	0
Оборот	57 085 925 045,54	57 635 154 275,34	57 085 925 045,54	57 635 154 275,34	0	0
Охири сальдо	15 693 144 375,91		15 693 144 375,91		0	0

8-жадвалдан кўриниб турибдики, «SAMARQAND DORI DARMON» акцидорлик жамияти катта миқдордаги товарларга (дори воситалари) эга. Унинг 2018 йил бошидаги товар қолдиғи 16 242 373,6 минг сўм бўлган, йил охирида сотилмасдан турган товарлар қолдиғи 15 693 144,4 минг сумдир.

Товарлар омборларда таннархи бўйича (кирим қиймати) бўйича ҳисобга олинган. Улар таннархи (кирим қиймати)га киритиладиган қўшимча харажатлар АЖда махсус 1510 “Тайёр-транспорт харажатлари” счётида ҳисобга олинган. Шунингдек, АЖда ўзи тайёрлаган тайёр маҳсулотлари 2810 “Тайёр маҳсулотлар” счётида ҳисобга олинган ва уларнинг омборларга кирими ушбу счётдан 2910 счётга ўтказилган. Айрим дори материаллари ҳам товарлар гуруҳига киритилган. Фойдаланиш муддати етиб келаётган дориларни алмаштириш операциялари 2-сектор орқали 4020 счётда юритилган.

Товарлар сотилиши таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилган. Товарлар киримида нархлардаги фарқлар эвазига фарқ суммаси вужудга келган. Бунда вужудга келган даромад ва камомадлар 9390 счётнинг мос равишда кредит ва дебет томонида акс эттирилган. Бу корхона ҳисоботида бошқа даромадларни 68 567 минг сумга кам қилиб кўрсатилишига сабаб бўлган.

2018 йилда АЖда соф сотиш ҳажми 30 200 990,0 минг сўмни ташкил этган, текширувда фарқ аниқланмаган (9,10-жадвалларга қаранг).

9-жадвал

**«SAMARQAND DORI DARMON» АЖда 2018 йилда
сотиш ҳажми
Счет 9000 “Сотишдан даромадлар”**

Счёт	Даромад тури	2018	2017
90.20	Базадан сотиш	5444260952,78	26953846805,06
90.21	Аптекалар орқали сотиш	24756729376,86	21381779526,00
	Жами	30200990329,64	48335626331,06

10-жадвал

**«SAMARQAND DORI DARMON» АЖда 2018 йилда сотиш
Ҳажмини текшириш натижалари
Счет 9000 “Сотишдан даромадлар”**

Кор.счет	Ҳисоб бўйича	Аудит бўйича	Четланиш
10	9 600,00	9 600,00	0,00
40	12 320 240 084,84	12 320 240 084,84	0,00
48	44 758 153,75	44 758 153,75	0,00
50	12 035 804 851,00	12 035 804 851,00	0,00
57	5 801 286 640,05	5 801 286 640,05	0,00
Жами	30 202 099 329,64	30 202 099 329,64	0,00

2018 йилда АЖда сотиш таннархи ҳисобга кўра 26 718 733,7 минг сўмни, аудит текширувига кўра эса 26 714 405,7 минг сумни ташкил этган, яъни сотиш таннархи 4 328 минг сумга ошириб кўрсатилган. Сотиш таннаrxини 4 327 минг сўмга кўп қилиб курсатилиши унга давлатнинг мақсадли фондларига ажратма суммасини нотўғри олиб борилганлиги эвазига юз берган. Сотиш таннаrxининг счетлар кесимидаги расшифровкаси, улардаги четланишлар 11,12-жадвалларда келтирилган.

11-жадвал

**«SAMARQAND DORI DARMON» АЖда 2018 йилда
сотиш таннархи
Счет 9100 “Сотиш таннархи”**

Счѐт	Таннарх тури	2018	2017
9110	Сотилган маҳсулот таннархи	4327994,6	0
91.20	Базадан сотилган товарлар таннархи	5022424843,53	24888543783,10
91.21	Апрекадан сотилган товарлар таннархи	21691980885,82	18159895025,56
	Жами	26718733723,95	43048438808,66

**«SAMARQAND DORI DARMON» АЖда 2018 йилда сотиш
Таннархини текшириш натижалари
Счет 9100 “Сотиш таннархи”**

Кор.счет	Ҳисоб бўйича	Аудит бўйича	Четланиш
10	7 707 845,00	7 707 845,00	0,00
29	26 706 697 884,35	26 706 697 884,35	0,00
65	4 327 994,60		4 327 994,60
			0,00
Жами	26 718 733 723,95	26 714 405 729,35	4 327 994,60

Товарлар ҳисобидаги четланишлар эвазига АЖнинг солиққа тортиладиган даромадлари 68 567 минг сумга кам, бунинг натижаси бюджетга тўланадиан яона солиқ суммаси 1837 мин сўмга кам ҳисобланган.

3.1.Улгуржи савдо фаолиятига доир солиқ тўловларининг аудити

Республикамизда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»га мувофиқ бўйича барча тармоқ ва соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу ўзгаришлар бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг барча тармоқларига, чунончи улгуржи савдога ҳам дахлдордир.

Улгуржи савдонинг иқтисодиётда тутган ўрни шундаки, у орқали мамлакатимизда ҳамда хорижий мамлакатларда яратилаётган товар-моддий бойликлар йирик партияларда ички ва ташқи бозорларга етказилади, шу асосда корхоналар ва аҳолининг товарларга бўлган истеъмол талаблари қондирилади. Улгуржи савдо ҳажмига қараб, мамлакат экспорти ва импорти кўрсаткичлари баҳоланади. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз корхоналарини инвестициялар сифатида киритилаётган энг замонавий меҳнат воситалари

хамда меҳнат предметлари билан таъминлашдаги роли борган сари ошиб бормоқда.

Улгуржи савдо корхоналари орқали амалга оширилаётган ички ва ташқи савдо фаолияти ҳажмининг борган сари ошиб бораётганлиги, ушбу фаолиятга бўлган талабларнинг кучайиши, 2019 йилнинг 1 январидан барча бир миллиард сўмдан ошиқ товароооборотга эга бўлган улгуржи савдо корхоналарни солиққа тортиш тартибларида юз берган ўзгаришлар уларда бошқарувнинг муҳим дастаклари бўлган ҳисоб ва аудитнинг долзарб назарий хамда методологик масалаларини ҳал этишни тақоза эмоқда. Қуйида ушбу соҳада ҳисоб ва аудитнинг айрим долзарб масалаларига тўхталамиз.

Улгуржи савдо корхоналарида бугунги кунда энг долзарб бўлган масалалардан бири бўлиб импорт товарлар таннархини тўғри шакклантириш ҳисобланади. Республикамизда амалда бўлган 4-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС)га³¹ мувофиқ импорт товарлар таннархи қуйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим:

$$\text{ИТт} = \text{Тсқ} + \text{Бб} + \text{Тх} + \text{Бсх}$$

Бу ерда: **ИТт** – импорт товарлар таннархи; **Тсқ** – товарларнинг сотиб олиш қиймати; **Бб** – божхона тўловлари; **Тх** – товарларни ташиб келтириш харажатлари; **Бсх** – бошқа сотиб олиш харажатлари (воситачилик хизматлари ҳақи, сафар харажатлари, юридик хизматлар ва бошқалар).

Изланишлар улгуржи савдо корхоналари амалиётида юқорида келтирилган тартибга тўлиқ амал қилинмаётганликни кўрсатмоқда. Чунончи, айрим улгуржи савдо корхоналарида товарлар импортида тўланаётган божхона тўловлари, товарларни сотиб олишда қилинаётган транспорт ва бошқа харажатларни сотиб олинган товарлар таннархига эмас, балки корхонанинг сотиш харажатларига (9410 счётга) олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ёндашувга асосан иккита омил сабаб бўлмоқда:

³¹ Молия вазирининг 15.06.2006 й. 52-сон буйруғи билан тасдиқланг, Адлия вазирлиги томонидан 17.07.2006 й. 1595-сон билан рўйхатга олинган

(1) улгуржи савдо корхоналари тўлаётган божхона тўловлари ҳамда бошқа сотиб олишга доир харажатларнинг улар тўлаётган ягона солиққа таъсир кўрсатмаслиги;

(2) товарларни сотиб олишда тўланадиган божхона тўловлари ва бошқа харажатларнинг сотиб олинган товарлар ўртасида тақсимлаб чиқишнинг катта ҳажмдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишни, бу, ўз навбатида, кўп меҳнат сарфини талаб этиши.

Юқоридаги субъектив сабаблар кўра бухгалтерлар энг енгил усулни, товарлар импортида қилинадиган қўшимча сарфларни ёппасига корхона харажатларига ҳисобдан чиқаришни танламоқдалар. Бирок, бундай енгил усулни танлаш улгуржи савдо корхоналарида товарлар таннархини шакллантириш бўйича белгиланган меъёрий ҳужжатлардан четланишларга олиб келмоқда. Б, ўз навбатида, аудиторлик текширувларида мижоз ва аудиторлик ташкилоти ўртасида молиявий ҳисоботга ижобий ёки салбий хулоса беришда тортишувларга ва келишмовчиликларга олиб келмоқда.

Фикримизча, юқоридаги салбий жиҳатларни бартараф этиш мақсадида республикамизда амалда бўлган 4-сон БХМСнинг тегишли моддасида импорт товарлар таннархини юқоридаги алгоритм асосида шакллантиришнинг бухгалтерлар учун мажбурий эканлигини белгилаш, шунингдек уларга амалий ёрдам сифатида божхона тўловлари ва бошқа сотиб олиш харажатларинини товарлар ўртасида тақсимлаш механизминини аниқ мисолларда бериш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таклифларни 4-сон БХМСда махсус белгиланиши ҳозирги кунда ўта муҳим бўлган яна бир долзарб масалани ҳал этишга имкон беради, деб ҳисоблаймиз. Бу ҳам бўлса - республикамизда 2019 йил 1 январдан жорий этилган ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини савдо корхоналарида, чунончи улгуржи савдо корхоналарида тўғри юритилишини таъминлаш.

Маълумки, узлуксиз фаолият олиб бораётган улгуржи савдо корхоналарида 2019 йилнинг бошига олдиндан сотиб олинган товарларнинг сотилмасдан қолинган маълум қолдиқлари мавжуд. Олдиндан ҚҚС суммаси божхонага тўлаб қўйилган ҳамда товарлар таннархига киритилган ёки корхона харажатларига олиб борилган ушбу товарлар энди 2019 йилнинг 1 январидан ҚҚС билан сотилиши лозим. Мос равишда, улгуржи савдо корхоналари бюджетга ҚҚС солиғини тўлашлари керак.

Республикамизнинг солиқ кодексига мувофиқ бюджетга тўланадиган ҚҚС сотишдан олинган ҚҚС суммасидан камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасини айиришдан кейин қолган суммадан иборат бўлади, яъни:

$$\text{ҚҚСб} = \text{ҚҚСс} - \text{ҚҚСк}$$

Бу ерда: **ҚҚСб** – бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси; **ҚҚСс** – сотишдан олинган ҚҚС суммаси; **ҚҚСк** – камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммаси.

Улгуржи савдо корхоналарида 2019 йилнинг 1 январига захира мавжуд бўлган товарларини сотиш бўйича ҚҚС ҳисоб-китобларини юқорида келтирилган алгортмга асосан тўғри амалга ошириш ҳамда ушбу солиқни бюджетга тўғри тўланишини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Биринчидан, 2019 йил 1 январ ҳолатига импорт товарларнинг омборларда мавжуд захираларини инвентаризация қилиб, уларнинг реал қийматини аниқлаш.

